Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 19 (10.268).

1992 йил 28 январь сешанба

Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов 25 январь куни Тошкент шаҳар маҳалла комитетлари раислари ва оқсоқоллар билан учрашди. Учрашувни Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков очди.

Ислом Абдуғаниевич кўпдан бери шаҳар оқсоқоллари билан учрашиб, улар билан суҳбат қуриш ниятида эдилар, — деди у. Президентимиз кўп муаммо ва масалаларни ҳал қилишда халқ фикрига таяниб иш тутишни маъқул кўрадилар. Айниқса, маҳалла комитетларини бу борада яқин ёрдамчи деб биладилар.

Шаҳар ҳокими Талабалар шаҳарчасидаги ноҳуш воқеалар ҳақида ҳам тўхталиб, бу ишлар шу ерда жойлашган айрим илмгоҳлар раҳбарларининг лоқайдлиги сабабли содир бўлганини таъкидлади. У истиқлол байроғини юқори кўтараётган жумҳуриятимиз шаънига доғ тушириш ниятида бўлган баъзи кимсалар, бузғунчиларнинг танобини тортиб қўйишда маҳалла комитетлари президентимизга яқин кўмакдош бўлиши лозимлигини айтди.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга сўз берилди.

Авваламбор сизлар билан учрашганимдан хурсандман, — деди у, — сизларни бу ерга таклиф қилишдан мақсад бир пиёла чой устида фикр алмашиш, бир-биримиз билан яқин мулоқотда бўлиш эди. Мен Тошкент шаҳри аҳолисидан жуда миннатдорман. Президентликка сайлов пайтида уларнинг 94 фоиздан кўпроғи менинг номзодим учун овоз берди. Бу менга билдирилган катта ишонч, албатта. Мен ҳам ўз навбатида шу ишончни оқлашга, шаҳар ободончилиги, аҳоли яшаш шароитини яхшилашга иложи борича кўмаклашишга, юртимиз тинчлиги, ҳар бир хонадон фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қиламан. Бу ишда мен асосан маҳалла комитетларининг фаоллари ёрдамига таяниш ниятидаман.

Бугунги учрашув ҳозирги иқтисодий танглик пайтида маҳаллаларда яшаётган одамларнинг ҳаёт тарзини ўрганишга ёрдам беради деган умиддаман. Ўрганадиган масала ва муаммолар эса кўп. Булар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, болалар тарбияси, дин ва диндорлар масаласи, кишилар ўртасида меҳр-мурувватни, инсоф ва адолатни, оқибатни кучайтириш, шунингдек тобора илдиз отиб бораётган чайқовчилик, савдогарчилик, жиноятчиликка қарши кураш масалаларидир.

Хўш, бу муаммоларни ечишда қандай йўл тутиш керак? Тўғри, бу борада маслаҳат берадиганлар кўп. Аммо астойдил кўмаклашувчи жонкуярлар кам. Шунинг учун мен бу ишда маҳалла фаоларига таянаман ва сизлардан ёрдам сўрайман. «Отанг маҳалла, онанг маҳалла» деб бежиз айтишмаган-ку, ахир.

Президент саройида бир пиёла чой устида ўтказилган самимий учрашув эркин мулоқотга айланиб кетди. Тошкент шаҳар Кенгаши маҳаллалар билан ишлаш доимий комиссияси раиси Ш. Темуров сўзга чиқиб, жумҳуриятимиз пойтахти маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар, уларнинг долзарб муаммолари тўғрисида гапирди. Нотиқнинг таъкидлашича, Тошкентда 350 дан ортиқ маҳалла комитетлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва 1990—1995 йилларга мўлжалланган «Маҳалла» дастури улар фаолиятида асосий йўл-йўриқ бўлмоқда. Жумладан, икки йилда қарийб 80 километр канализация, 90 километрдан ортиқ табиий газ қувури ўтказилди, 10 мингдан ортиқ хонадонга телефон тушириди, 30 га яқин магазин, поликлиника ва бошқа объектлар қурилди. Бир миллион квадрат метрга яқин йўллар таъмирланди. Аммо мактаб, болалар боғчалари, электр тармоқлари, йўл, транспорт, алоқа, сув таъминотидаги ишлар ҳали қониқарли эмас.

Ш. Темуров маҳалла комитетлари ишига эътиборни янада ошириш борасида бир қанча истак ва мулоҳазалар билдирди. Қўшни, қардош республикалардаги, иложи бўлса ҳорижий мамлакатлардаги маҳалла комитетлари билан тажриба алмашиб турилса, илғор маҳалла комитетлари тўғрисида ҳужжатли фильмлар, фотоальбомлар яратилса, уларнинг иш фаолияти кенг тарғиб этилса. «Тошкент оқшоми» рўзномасида илова тарзида чиқаётган «Маҳалладош» республика рўзномасига айлантирилса, маҳалла фидойиларини маънавий рағбатлантириш учун бирор унвон таъсис этилса.

Ҳамза район маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш Кенгаши раиси Н. Ҳасанов, Октябрь районидаги «Наврўз» маҳалла комитетининг раиси О. Ортиқов, Акмал Икромов район маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириш Кенгашининг раиси С. Мирзаев, Киров район 15-мавзе комитети раиси Э. Қодировлар ҳам сўзга чиқиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, камчиликларни бартараф қилиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нотиқлар илгари сурган таклиф ва мулоҳазаларга ўз фикрин билдирди. У ҳозирги вақтинчалик иқтисодий танглик даврида аҳолини иложи борича ижтимоий жиҳатдан кўпроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди, кейинги пайтда деярли йўқолиб кетаётган миллий урф-одатларимизни, анъаналаримизни тиклашимиз, ёшлар тарбияси билан кенгроқ шуғулланишимиз лозимлигини таъкидлади. Ҳар бир маҳалла чоғроқ бўлсада цехлар, кичик корхоналар очишга эришилса, айни муддао бўларди. Қолаверса, маҳаллаларга маданият кенг кириб бориши керак. Айниқса, чойхоналар фаолиятига катта аҳамият бериш, уларнинг шароитини яхшилаш лозим. Токи улар кишилар ҳордиқ чиқарадиган маданият масканига айлансин. Бу ишда маҳалла комитетлари ташаббусни ўз қўлларига олишлари керак, уларга эса зарур ёрдам кўрсатилиши лозим.

Учрашув қатнашчилари пойтахтдаги 350 дан ортиқ маҳалла аҳли номидан халқ фаровонлиги йўлида, юрт осойишталиги ва ҳар бир фуқаронинг тўкин яшаши ҳақида чинакам ғамхўрлик қилаётганлиги учун президентимизга астойдил миннатдорчилик билдирдилар. Улар ҳар қандай вазиятда ҳам Президент билан елкадош эканликларини, унинг ишларини қўллаб-қувватлайверишларини таъкидладилар.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

БМТга ҚАБУЛ ЭТИШГА ТАВСИЯ ҚИЛИНДИ

БМТ, 25 январь. (ТАСС мухбири Михаил Кочетков). Арманистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон БМТга қабул қилиш учун тавсия этилди. БМТ Хавфсизлик кенгашининг янги аъзолар қабул қилиш комиссиясининг жума куни бўлиб ўтган мажлисида шу қарор бир овоздан қабул қилинди. Энди бу комитетнинг маълумотномаси Хавфсизлик кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим. Унинг мазкур масалани кўриб чиқадиган мажлиси келгуси ҳафтада бўлади, деб тахмин қилинмоқда. Шундан кейин БМТ Бош ассамблеяси узилкесил қарор қабул қилиши лозим. Бош ассамблеянинг иши февраль ойининг охирларида бошланади.

Кунн кеча хавфсизлик кенгаши Қозоғистонни БМТга қабул этишни Бош ассамблеяга тавсия қилган эди.

ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ДЕҲЛИ, 25 январь. (ТАСС мухбири Алексей Кузнецов). Бугун Ҳиндистон Ташқи ишлар экспертлари делегацияси Ўзбекистон ва Қозоғистонга жўнаб кетди. ПТИ ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, делегация Тошкент ва Олмаотада Ҳиндистон ҳукуматининг Ўзбекистон ва Қозоғистон билан тўла ҳажмда дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида яқинда қабул этган қарори муносабати билан икки томонлама алоқаларни янгилаш йўлларини муҳокама қилади.

Делегацияга Ҳиндистоннинг таниқли давлат ва сиёсат арбоби Рам Нивас Мираха бошчилик қилмоқда. Делегация таркибида Республиканинг собиқ Ташқи ишлар давлат вазири С. К. Сингх, собиқ юқори мансабдор дипломат А. К. Дамоларан, машҳур журналист М. Ж. Акбар бор.

ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан Монголия ўртасида элчихоналар даражасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Бу мамлакатнинг Тошкентдаги бош консулхонаси Москвадаги Монголия элчихонаси таркибига киритилиши эканлиги маълум. Энди Ўзбекистон пойтахтида Монголия элчихонаси ташкил этилади.

Протоколни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, билан Монголия ташқи алоқалар вазирининг ўринбосари Ж. Чойнҳор имзоладилар.

Протоколни имзолаш маросимида Монголия томонидан делегация бошлиги, ҳукуматнинг бош маслаҳатчиси, вазирлар кенгашининг собиқ раиси Д. Содном ва Монголиянинг Тошкентдаги бош консули Б. Буда ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ТУРКИЯГА САФАР

ШУ ЙИЛ 25 январь куни Қайсари вилояти губернаторининг таклифига биноан Тошкент вилояти делегацияси Туркияга учиб кетди. Делегацияга халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Д. Сайдалиев бошчилик қилмоқда. Делегациянинг у ерда бўлиш чоғида Туркия вилояти раҳбарлари, савдо-сотиқ доираларининг вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтади. Мазкур мулоқотларда савдо ва иқтисодиётни ривожлантириш, икки мамлакат ўртасидаги илмий ҳамда маданий алоқаларни яхшилашни кўзда тутувчи бир нечта шартномаларнинг имзоланиши кутилмоқда. Тошкент вилояти делегацияси сафари 2 февралгача давом этади.

ҲАР БИРИГА 150 СЎМДАН

Яқинда Ғазалкент маданият саройида Бўстонлиқ ноҳиясида истиқомат қилувчи, айни пайтда Тошкент шаҳридаги олий билимгоҳлар, ўрта ва махсус билимюртларида таҳсил кўраётган талаба-ёшларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. 1500 нафардан ортиқ йигит-қизлар иштирок этган мазкур тадбир ҳозирги шароитда ёшларнинг билим олиши, яшаш шароитини яхшилашга бағишланди.

Тадбирда ноҳия шўросининг раиси Акбарали Йўлчиев қатнашиб, бугунги талаба — эртанги мутахассис, жамиятимиз, иқтисодимиз равнақи йўлида меҳнат қилувчи, ҳаётимизнинг гуллаб-яшнашида ҳисса қўшувчи кадрлар эканини таъкидлади. Шунингдек, уларни ҳамиша ҳалол, виждонли, пухта билим олиб, ўз касбининг устаси бўлиб етишишга чақирди. Сўнгра халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Сайдалиев, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг Президенти академик А. Имомалиев талабалар билан очиқ мулоқот ўтказишди. Ёшлар билим олишдаги ўз ютуқ ва камчиликлари ҳақида очиқ-ойдин гапиришди.

Шу куни талабаларнинг ҳар бирига 150 сўмдан пул тарқатилди. Уларнинг маданий дам олишларида хонанда Мухриддин Ҳолиқов, «Қизиқчи-90» кўригининг совриндори Обид Асомовларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Талабалар мана шундай хайрли кечани ташкил этган ноҳия ижроия қўмитаси раҳбарларига миннатдорчилик билдиришди.

Р. ИСМОИЛОВ.

ДАРОМАДИ ЕТАРЛИ

ПИСКЕНТ ноҳиясидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» жамоа хўжалигидан 7 гектар ерни ижарага олиб, меҳнат қилган Ортиқ Турдиев ўтган йили пахтадан мўл ҳосил тўплаб, ўзининг нимага қодир эканлигини кўрсатди. Алп қомат бу деҳқон йил давомида сидқидилдан ишлади. Натижада мўмай даромад қилиб, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар олдида ганғиб қолмайдиган бўлди. Ижарачи йил давомида 23 минг сўм даромад қилди.

Йил якуни бўйича қўлга оладиган қўшимча ҳақи эса 19 ярим минг сўмни ташкил этди.

А. ИКРОМОВ.

Миср Араб Жумҳурияти Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентига

ШАХСИЙ МАКТУБИ

Президент жаноблари!

Ассалому алайкум. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Дўст мамлакатингизда демократия асосларини мустаҳкамлашдек кашшофлик фаолиятингиз давомида эришилган муваффақиятлар билан Сизни яна бир бор қувонч билан табриклайман ва халқингиз барқарорлиги, тараққиёти, равнақини, бутун дунёда хавфсизликни ва тинчликни қарор топтириш ишида мамлакатингизнинг жаҳон ҳамжамияти аъзолари билан биргаликда ижобий иштирокини таъминлаш каби самимий муддаоларингизда Сизга ва қардош халқингизга муваффақият тилаб билдирган истакларимизни яна бир бор изҳор этаман.

Мамлакатларимиз ва халқларимиз азалдан муштарак маърифат ва маданият ришталари билан боғланган бўлиб, бу ришталар муштарак дини ислом ва юксак мақсадлар ҳамда меърос билан мустаҳкамланган. Бу меъросни бойитишда мамлакатингизнинг буюк алломалари иштирок этганлар ва дини исломнинг худо ёрлақаган Ал Азкар маёғи орқали уни сақлаб қолишда биз ҳам қатнашганмиз ва қатнашмоқдамиз.

Мамлакатларимизни яна ҳозирги босқичдаги, айниқса жумҳуриятингиз Совет Иттифоқининг муҳим ва салмоқли қисмини ташкил этиб турган 50-йиллардан бошлаб мустаҳкам ҳамкорлик муносабатлари ҳам бирлаштириб турган эди.

Олис ва яқин ўтмишимиздаги ана шу тарихий шароит, шубҳасиз, ривожлантираверишимиз лозим бўлган муштарак манфаатларимизга қўшилиб, барча соҳаларда ўртамиздаги самарали ҳамкорликни келгусида мустаҳкамлаш учун замин яратди.

Сизга маълумки, биз Мисрда марказлаштирилган ва бюрократик асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ва хусусий тармоқни рағбатлантириш йўлига яқин пайтда ўта бошладик. Бу йўл бизга кўпгина фойдали сабоқ берди. Айни вақтда биз тузилмалардаги тартибсизликларни бартараф этиш учун иқтисодий ислоҳотларнинг мукаммал иқтисодий ислоҳот дастурини амалга ошира бошладик. Халқаро молия ташкилотлари ва сармоядор давлатлар билан узлуксиз алоқаларимиз туфайли бу дастурни амалга ошириш жадал бормоқда. Учрашувларимиз чоғида умумий манфаатларни кўзлаб, мана шу масалаларни кўриб чиқишни таклиф этмоқчимиз. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари ва режалаштириш Вазири доктор Камол ал Ганзури шу масалаларни ойдинлаштириб бериши мумкин.

Ташқи сиёсат соҳасига келганда эса, Миср Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) муассисларидан бири (ҳозирги вақтда ватандошларимиздан бири унинг Бош котибидир), шунингдек қароргоҳи Қоҳирада жойлашган Араб мамлакатлари уюшмасининг муассис аъзоси (бу ташкилотнинг ҳам Бош котиби мисрликдир) бўлган давлат сифатида маҳаллий ва халқаро миқёсда қандай вазифаларни бажараётганини шубҳасиз, яхши биласиз. Бунга Африка Бирлиги Ташкилотининг, ислом анжумани ташкилотининг ва қўшилмаслик ҳаракатининг муассисларидан бири сифатида Миср қандай вазифаларни бажараётганини ҳам илова қилиш мумкин, бундан ўн йилдан энёдроқ олдин биз Яқин ва Ўрта Шарқда тинчлик ўрнатиш юзасидан бошлаб берган ва ҳозир бошқа мамлакатлар билан биргаликда муваффақиятли тугаллашга ҳаракат қилаётган кенг миқёсли ва мислсиз ташаббус тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳузурингизга борадиган ва ушбу мактубни топширадиган делегация моддий ва маънавий маданият соҳасидаги ўзаро муносабатларимизни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, турли соҳалардаги самарали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш қатъий истаги ва самимий умидини изҳор этади. Мен делегацияга турли соҳаларда Сизнинг дўст мамлакатингиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўллари тўғрисида Сизнинг нуқтаи назарингиз ва фикрингиз билан танишиш учун ҳамда мана шу ҳамма масалалар юзасидан бизнинг фикримизни Сизга етказиш учун Сизнинг ва Сиз лозим топган масъул шахсларнинг фикрини эшитиш ҳақида аниқ ва равшан кўрсатма бердим.

Миср билан Сизнинг дўстона мамлакатингиз ўртасида дипломатия ва консуллик муносабатларини ўрнатиш истагимизни эътиборингизга яна бир бор етказиш учун шу фурсатдан фойдаланаман. Сиз, жаноб олийларига, Мисрга келиш таклифини етказиш учун ҳам шу фурсатдан фойдаланаман ва яқин келажакда ўзингиз учун қулай бўлган пайтда Мисрга келасиз, деб астойдил умид қиламан.

Шахсан Сизга, халқингизга ва дўстона мамлакатингизга табрикларим ва самимий истакларимни қабул этгайсиз.

Оллоҳнинг меҳр-шафқати ва раҳмати, тинчлик Сизга ёр бўлсин!

МУҲАММАД ҲУСНИ МУБОРАК.

Миср Араб жумҳурияти Президентининг шахсий мактубини Миср Араб жумҳурияти ҳукумат делегацияси Тошкентда бўлган вақтида топширган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЎЗНОМАСИ МУҲАРРИРИЯТИГА

ҲАМКАСБЛАРГА ДАЪВАТ

Талабалар шаҳарчасида ташкил этилган оммавий тартибсизликлар мустақиллик ҳиссиётига қийинчиликлар билан эришаётган Тошкент қишлоқ хўжалиги техникуми ўқитувчи ва ўқувчилари қалбларини ларзага солди. Бундай кўрнамакликни, нонкўрликни, разолатни ўзини маданиятли, масъулиятли инсон ва мусулмон деб билган кишилар қилмайдилар. Жумҳуриятнинг меҳнатсевар ҳалқларини фаровон ҳаёт кечиришларини амалга оширишда ҳал қилувчи жамоа бўлган ўқитувчилар ва таълим-тарбияга алоқадор кишилар, бўлажак мутахассислар — талабалар ошкоралик, ҳамжиҳатлик йўли билан сайланган республика Президенти И. А. Каримовнинг олиб бораётган сиёсати ҳамда иш дастурига тўла қўшиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Иқтисодиётимизда тақчиллик ҳукм суриб турган замонда, ўқитувчилар ва ўқувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун Президентимизга, Олий Кенгаш Раёсатига, Республика ҳукуматига миннатдорчилик билдирамиз.

Олдимизга қўйилган янги, замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашдек улкан ва шарафли вазифани бажаришда фидойилик билан хизмат қилишга ҳамкасбларни даъват этамиз.

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми ўқитувчилари жамоаси номидан олий малакали ўқитувчи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, ЎзХДП аъзоси, техникум директори А. Махсимов,

Техникумнинг бир гуруҳ ХДП аъзолари—талабалар.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК ДЕГАНИ, ШУ БЎЛСА КЕРАК

СОБИР Раҳимов ноҳиясининг Қорадарё кўчаси ва Киров ноҳиясининг Матросов кўчалари билан С. Раҳимов кўчаси чорраҳаси кўпинча ўнқир-чўнқир, нотекис бўлиб ётади. Сабаби, унинг нисбатан пастроқ жойлашганида бўлса керак, шу атрофдаги уйлардан чиққан оқавалар бу ерда тўпланиб, катта-кичик кўлмаклар ҳосил қилади. Бунинг устига Қорадарё кўчаси бошидаги сув ўтказиш тармоғи қудуғидаги винтил эскириб, ишдан чиққанлиги учун ундан сув сизиб ётади. Қудуққа тўпланган бу сув ҳам шу чорраҳага тошиб ётади.

Сув эса асфальтнинг кофар душмани ҳисобланади. Унинг таъсирида асфальт қопламлари ёрилиб кетади, устидан, айниқса, оғир юкли автомашиналар ўтганда парчаланади, йўл эса чуқур бўлиб қолади. Худди шу ерларда яна сув тўпланиб, асфальтни бузаверади.

Мутасадди ташкилотлар чорраҳага умуман қараш майди, деб бўлмайди. Лекин ҳар гал суви тўла қочирилмасдан, нами йўқотилмасдан асфальт ётқизиб кетадилар. Бу пала-партиш иш узоққа бормайди, орадан бироз вақт ўтар-ўтмас яна эски ҳолига қайтади.

Ҳозир ҳам аҳвол шундай Катта юкли автомашиналар ғилдираклари чуқурчаларга тушиб чиқса атрофидаги уйларда бамисоли зилзила бўлгандай бўлади. Бу ҳақда мутасадди ташкилотларга мурожаат қилавериш ҳам меъдага тегиб кетди. Ишни хўжа кўрсинга қилмасдан бир марта мустаҳкам амалга оширсалару олам гулистон. Шундай қилинса ҳар йили бир неча марта тузатишдан ҳоли бўлинар эди.

Киров ноҳиясининг мутасадди ташкилотлари чорраҳанинг шу ноҳия томонидаги ярим қисмини тузатишди. Шағал ётқизилди, устидан асфальт қопланди. Йўлнинг ярми текис бўлиб қолди. Бироқ у ҳам узоққа бормаса керак, чунки ишда тартиб-қоидага тўла амал қилинмади. Лекин шунисига ҳам раҳмат, ҳар ҳолда машиналар силлиқ ўтадиган бўлиб қолди. Лекин бу ишда маҳаллийчилик қилганликларини ҳеч тушунолмаймиз.

Оқибатда чорраҳанинг иккинчи ярми — чап томони ҳамон ўнқир-чўнқир бўлиб ётипти. Шу томондан юрадиган машиналар ҳатто йўлкаларга чиқиб тушишмоқда. Бу йўловчилар учун хавфли бўлаяпти. Шунга қарамай Собир Раҳимов ноҳиясининг ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари эса чорраҳани тузатишга шошилмаяптилар. Бу қачонгача давом этаркин?! Наҳотки арзимаган, бор-йўғи бир неча квадрат метр саҳнли йўлни тузатиш шунчалик чўзилса. Жилла қурмаганда Киров ноҳиясидагилардан намуна олишса бўлмайдими?

Бу лоқайдлик барҳам топмаётганлиги учун охири рўзнома муҳарририятига мурожаат қилишга мажбур бўлаяпмиз. Зорама зора шундан кейин ишга киришилса, деб Тошкент шаҳар Собир Раҳимов ноҳиясидаги Қорадарё кўчаси меҳнаткашлари номидан

А. Мирҳамидов, М. Мирзааҳмедов, Ш. Набиев ва бошқалар.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙГА БАҒИШЛАНДИ

Куни кеча пойтахтнинг Самарқанд дарвоза маҳаллаларидаги Абдулла Қодирий номи билан юритилувчи 13-ўрта мактабда бу улкан адибга бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Мазкур кечада Қодирий авлодлари, уни кўрган кексалар, маҳалла фаоллари, Чўлпон нашриётининг бош муҳаррири шоир Анвар Обиджон, «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси бўлим мудири Д. Саидов, Халқ депутатлари Октябрь ноҳия Кенгашининг раиси С. Саиднаримов ҳамда бир гуруҳ санъаткорлар иштирок этдилар.

Кеча бошланиш олдидан Абдулла Қодирий ва шу маҳалла ҳудудида яшаб ўтган бошқа бир қанча марҳумлар руҳига бағишлаб Қуръони каримдан тиловат қилинди. Сўнгра пойтахтдаги 200-ўрта мактаб тил ва адабиёт муаллими А. Иброҳимов адибнинг ижоди ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Шоир Анвар Обиджон Абдулла Қодирий хонадонида ўтган даврини эсга олди ва унга бағишланган шеърини ўқиди.

Адибнинг ўғли М. Абдуллаев отаси ҳақида олинган янги фильмдаги айрим лавҳаларни сўзлаганда йиғилганлар мароқ билан тингладилар.

Д. Саидов Қодирий асарларининг ўйламай қайчиланиши, парчаланиши адиб руҳига ҳурматсизлик эканини алоҳида таъкидлади. Ўзининг Абдулла Қодирий ва унинг қаҳрамонларига бағишланган шеърларидан ўқиб берди.

Кеча сўнггида мактабнинг юқори синф ўқувчи қизлари «Ўтган кунлар» асаридан бир кўриниш ижро этишди. Бир гуруҳ санъаткорлар ҳам ўз қўшиқлари билан кечага файз киритдилар.

Даврон АҲМАД.



Суратларда: Абдулла Қодирий хотира кечасидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ, «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЎЗНОМАСИ, ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҲАМКОР ҲАРАКАТИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ моддий ва маънавий дунёси мамлакатдаги каби янгилик ва эскилик, турли қарамақаршиликлар тўфонида чайқалиб турибди. Қайсидир корхона, ташкилотда ишловчилар бир неча мингламаб сўм маош олсалар, қайсидир жойларда ойликлар паст даражада қолмоқда, эҳтиёжни қондирмаяпти. Собиқ СССР қонунлари баъзи корхоналарда қўлланса, бошқасида эскирган ускунадек ярамай қолаяпти. Шундай ҳам паст турмуш даражасида яшаган оилалар янада қашшоқлашмоқда. Ҳа, юқорида таъкидлаганимиздек, илгари қабул қилинган кўпгина қонун-қоидалар бугун йўл кўрсата олмай, ожиз бўлиб қолмоқда.

Бугун жойларда «митти қонунлар» пайдо бўлмоқдаки, у корхона, ташкилот, шахс, оилага, қолаверса, жамият учун кўпроқ ярамоқда, моддий ва маънавий эҳтиёжларимизни қондиришга, заифлашган жамиятимизни оёққа турғизишга ниҳоятда зарур бўлмоқда. Бу «митти қонунлар» — корхона, ташкилотларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий ҳимояланишнинг муҳим воситаларидан бири жамоа шартномасидир. Унда бир томондан ишчи-хизматчи қулайликлар, имтиёзлар ҳақида шарт қўйса, иккинчи томондан маъмурият ишчи-хизматчиларга самарали ишлаш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, онгли меҳнат, рационализаторлик ҳаракатини кенг ёйиш, фан ютуқларини, илғор тажрибаларни тезкорлик билан ишлаб чиқаришга жорий этиш, ташаббускорлик кўрсатиш каби ишлаб чиқариш юзасидан аниқ талаблар қўяди. Касаба уюшмаси етакчилигида жамоа ва маъмурият ўртасида ишчанлик руҳида баҳс, мунозара ва муҳокамадан сўнг жамоа шартномаси имзо чекилиб қабул қилингач у корхона ҳаётининг қонунига айланади. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда жамоа шартномалари пухта ишланиб қабул қилинса ўша ерда ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмоқда, ижтимоий имтиёзлар кўпчиликни қониқтирмоқда.

Ўтган йил якунига эътибор берсак янги қонунларни кутмаёқ қатор жойларда касаба уюшмаси қўмитаси, меҳнат жамоаси Кенгаши, маъмурият шартнома шартларини бажариш мақсадида меҳнат таътилларини узайтирдилар, аёлларга иш соатини камайтирдилар, унумли меҳнат учун рағбатлантириш даражасини оширдилар, ҳақ тўлаш, иш меъёри ўлчови ва бошқа шу кабиларни янги изга солдилар.

Демак жамоа шартномалари ишлаб чиқаришни юксалтириш, ишловчилар ва уларнинг оилаларига имтиёзлар бериш, қулайликлар яратиш учун муҳим омил бўлмоқда.

Тўғри, илгарилари ҳам жамоа шартномалари қабул қилинар эди. Лекин, у асосан корхона, ташкилот раҳбарининг кўрсатмаси билан тарқиб топарди. Жамоа тадбирга йиғилар эди-да, расмий кишиларнинг баланд-паровоз нутқларини эшитиб тарқаларди. Энди, демократлашаётган жамиятда жамоа шартномалари янгича мазмун кашф этмоқда. Ишчилар, хизматчилар баҳслашмоқдалар, ижтимоий кафолатларни қаттиқ туриб талаб қилмоқдалар, камчиликлар, тўғраларча муносабатлар, кўз бўямачиликларга кескин муросасиз бўлмоқдалар, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилмоқдалар.

Халқни, биринчи навбатда камбағал ва муҳтож кишиларни, оилаларни ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг энг биринчи вазифаси бўлгани, жамоа шартномаси бунда муҳим аҳамият касб этганлиги учун вилоят касаба уюшмалари жамоа шартномалари тузишга катта аҳамият бермоқда.

Биз вилоятдаги бир қатор корхона, ташкилотларда бўлдик. Илғор тажрибаларни ўргандик.

Шундай корхоналар, ташкилотлар борки, уларда чакана нархлар ошиши муносабати билан белгиланган имтиёз пуллари ортиқроқ қилиб тўланаяпти, ҳатто баъзи ерларда товон пулига 100 сўм ўрнига 300 сўмгача берилаяпти.

Очиғини айтганда, бундай мушкуллашаётган шароитда, моддий рағбатлантириш турмуш даражасига, кишиларнинг кайфиятига, унумли меҳнат, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга кўп даражада боғлиқдир. Хўш нега баъзи жойларда ундоғу, баъзи жойларда бундоқ?

Илғор тажрибалари нималардан иборату, замонавий бой тажрибани оммалаштириш мумкин эмасмикан?! Бизнингча булар шу кунининг энг долзарб масалалари.

Мана кўп йилдирки, Оҳангарон дон маҳсулотлари комбинатида бирон киши ўзича ишдан бўшамаган. Оилавий шароит ёки бирор узрли сабабга кўра корхонадан кетган. Шу яқин атрофда турувчилар бу корхонага ишга киришга ихлосманд эканлар. Биз унинг сабабларини билан қизиқдик. Бу ерда, аввало, ижтимоий томонларга жуда катта аҳамият берилади.

Комбинат маъмурияти, касаба уюшмаси ташкилоти жамоа шартномаси асосида жуда кўп ишлар қилмоқдалар. Чакана нархларнинг ошиши муносабати билан корхонада аввалига ҳар бир ишловчига 100 сўмдан товон пули берилган бўлса, ҳозир 220 сўмдан ажратилмоқда. Ҳар бир ишчи-хизматчига овқат учун ишга келган кунига 5 сўмдан пул берилаяпти.

Корхона ҳузурида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Унда 150 бошдан кўп қорамол, 300 га яқин қўй боқилаяпти. Ҳар бир ишловчи ҳисобига ойига 3 килограммдан гўшт етиштирилмоқда. Арзон баҳода гўшт, сут берилаяпти. Сут эҳтиёжга яраша қанча бўлса олиш мумкин. Бу йил ёрдамчи хўжаликда қора молларнинг сонини 200 бошга, қўй-эчкиларни 600 тага етказиш мўлжалланаяпти.

Комбинатда гўшт маҳсулотларини кўпайтиришнинг қўшимча имкониятлари қидириб топилиб, ишга солинмоқда. Масалан, корхона истак билдирганларга бузоқ, жўжа олиб беради, ем-хашагини ғамлашга кўмаклашади. Етиштирилган қорамол комбинатга қайта топширилади. Семиртирилган ҳар бир килограмми учун пул тўланади. Бу йил вилоятдаги турли хўжаликлардан шу мақсадда 20 та бузоқ, 60 қўй сотиб олинди.

Комбинатда ишлаб чиқариш санитариясини яхшилаш, ишчи-хизматчиларни дори-дармонли мева-чева билан мўл-кўл таъминлаш мақсадида ҳар бир цех учун мевали боғча ер ажратилган. Деярлик ҳар бир цех олдида мухтасар-мухтасар боғлар таркиб топган. Ундан ташқари ташландиқ бўлиб, ахлатхонага айланиб ётган ерга тупроқ солиниб, 2 гектарлик мевали боғ яратилди. Комбинат ҳудудида 1,5 минг тупдан кўп дарахт ҳосилга кирган. 15 сотих ердаги иссиқхона туфайли корхона ошхонаси қиш даврида кўкатлар, резаворлар билан таъминланмоқда.

Истовчиларнинг ҳаммасига дала ҳовли ажратиб берилди. Касаба уюшмаси якка тартибда уй қурувчиларга яқиндан ёрдам бераяпти. Якка тартибда уй, дала ҳовли қурувчиларга 160 минг сўм қарз берилди. Бу йил қўрғон шаклида 30 та коттеж бунёд этишга қарор қилинди. Мақсад оилада беш нафардан кўп фарзандли бўлганларни коттежларга кўчириш ва бу билан ишловчиларга ўзига хос қулайлик яратишдир.

Бу ерда янги оила қурганларга кўмаклашиш яхши анъанага айланиб қолган. Тўй қилаётганларга навбатдан ташқари телевизор, полос каби камчил буюм, жиҳозлар ажратилади. Ёш оилаларга 8 йил муддат билан қарз берилади. Бу каби тадбирлар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Комбинатда ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилаларининг дам олишларини ташкил этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Шашангирдаги сўлим табиат қўйнидаги дам олиш ҳудуди энг севимли ҳордиқ жойига айланган. У ерда 21 та уй дам олувчиларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Ёзнинг иссиқ кунларида Теловдаги болаларни соғломлаштириш лагерида ҳар ойда 220 ўғил-қиз дам олади. Лагерь кенгайтирилаяпти. Унинг ёнида ота-оналар учун пансионат бунёд этилмоқда. Ёзда ота-оналар фарзандлари билан ёнма-ён яшаб, бемалол ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

— Албатта бу шарт-шароитлар ўзича бўлаётгани йўқ,— дейди комбинат директори Зайниддин Мусаев, — қайта қуриш, ишни замон талабларига мослаб олиб бораётганимиз туфайлигина бу даражага эришаяпмиз... Ҳаёт оғирлашиб бораяпти. Кишилар талаб ва эҳтиёжларини билиб, шунга қараб йўл тутилмаса одамларнинг ишчанлик руҳини таъминлаш амри маҳол бўлади. Ишловчиларга шароит яратиб бермай, ундан кўп нарсани талаб қилиш ҳозирги мураккаб шароитда қийин. Бозор иқтисодиёти айниқса раҳбар зиммасига катта масъулият юклайди. Биз ишловчилар учун кўп шарт-шароитлар, қулайликлар яратаябмиз, лекин унинг учун ҳам замин керак.

Халқимизда ҳолва деган билан оғиз чучимас деган мақол бор. Шароит яратамиз деган билан ўзи бўлмайди. Корхонада ижтимоий томонларни яхшилаш учун аввало ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини тезкорлик билан жорий этиш, оғир қўл меҳнатини талаб қилувчи жараёнларни механизациялаш ҳамда автоматлаштириш, муаммо бўлиб турган ечимларни тезроқ ҳал этиш каби масалаларга диққат қилинаяпти. Корхонада янгиликпарвар, техника ихлосмандларидан иборат рационализатор ва новаторлар гуруҳи ҳавас қилса арзигудек ижод намуналарини кўрсатмоқда.

Технологик жараён бўйича ҳар 100 килограмм буғдойдан 75 килограммдан ун олинади. Бу лойиҳадагиси. Айрим корхоналарда бунга ҳам эришиш қийин бўлаябди. Оҳангаронликлар технологик жараённи янада такомиллаштиришга эришдилар. Натижада кепак камайиб, ун миқдори 16—17 фоизга кўпайди. Бу янгиликни киритишда рационализаторлардан цех бошлиқлари Абдуқодир Хушматов, Йўлдош Камалиев, катта уста Зоиржон Зоитовларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларини замонавий, унумли ускуналар билан жиҳозлаш ҳисобига корхона қуввати ошди, маҳсулот сифати яхшиланди. Хуллас механизациялаш, автоматлаштириш, компьютерлаш деярлик ҳар бир цех ёки участкага кириб борди.

Ҳисоб бўлими, лабораторияларда ҳисоб-китоб ишлари роботлашган ақлли машиналар ёрдамида бажарилаяпти. Хомашёни, материаллар, қоп-қанор ва идишлар, банк ҳужжатлари яна бошқа ҳисоб ишлари ақлли машиналар зиммасига юкланган. Ўлчанадиган тайёр маҳсулотларни жўнатиш жараёнлари бўлса компьютерлар зиммасида. Умуман электрон-ҳисоблаш машинасини жорий этиш, ҳисоб-китоб ишларининг ниҳоятда аниқ, тартибли бўлишига олиб келди.

Комбинатда яна бир ажойиб тажриба бор. Корхона вакиллари маълум муддатларда ўзлари ишлаб чиққан ундан қандай нон тайёрланаётгани билан ҳам қизиқадилар. Чунки улар тайёрлаётган маҳсулот энг юқори талабга тўла жавоб беради. «Нега яхши маҳсулотдан сифатсиз нон ёпаябсиз» деган масалани кўндаланг қилиб қўядилар. Бундай ўзига ва ўзгаларга нисбатан талабчанлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Буни қайта қуриш даврининг янги куртаклари дейиш мумкин. Бу борада яна бир ибратли тажриба борки, уни қайд этиш ўринлидир.

Комбинат шу ноҳиядаги «Ғаллақудуқ» совхоз-саноат комплекси билан маҳсулот сифатини ошириш юзасидан шартнома белгилаган. Гап шундаки, бу комплекс вилоятдаги энг йирик хўжаликлардан бири бўлиб, уни мазкур корхона омухта ем билан тўла таъминлайди. Хўжалик омухта ем сифати бўйича танқиди, мулоҳазаси, таклифини билдириб борадир. Корхона уларнинг ҳаммасини инобатга олиб бажаради.

Шартномада таъкидланганидек, корхонада ва хўжаликда текширув гуруҳлари тузилган. Чорвадорлар вақти-вақти билан корхонага келиб омухта ем тайёрлашни текширадилар, лаборатория тахлилларини, технологик талабларга қандай риоя этилаётганини ўз кўзлари билан кўрадилар. Комбинат текширув гуруҳи ҳам комплексда шартлашилган ишларни, омухта емнинг тўғри сақланиши ва бошқа жараёнларни текширади. Йил якунига кўра корхона томонидан юборилаётган омухта ем сифати юқори баҳоланди ва комплексда юқори самарага эришилди. Молларнинг яхши семирганлиги, катта фойда олингани учун комплекс томонидан комбинатга бир неча ўн минг сўм ўтказилди. Яқинда омухта ем цехи ишчи-хизматчилари ана шу ҳисобдан бир маошдан уч маошгача мукофот олдилар.

Оҳангаронликлар омухта емнинг тўйимлилигини ошириш мақсадида янги йўналиш яратганлар, турли дори-дармонли бирикмалар қўшилади. Бу эса маҳсулот сифатининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, техника ижодкорларининг ташаббуси билан ун тайёрлаш жараёнларига янгиликлар киритилган. Шунинг ҳисобига икки йилдирки 2-навли ун чиқариш тўхтаган. Фақат олий ва 1-нав ун тайёрланади. Ўтган йили корхона навни яхшилаш ҳисобининг ўзига 13,5 миллион сўм фойда олишга муваффақ бўлди. Йил давомида режадан ташқари 25 минг тонна олий нав ун, 3 минг тонна омухта ем ишлаб чиқарилди.

Халқимизда тоққа чиқмасанг дўлана қайда, жон куйдирмасанг жонона қайда, деган мақол бор. Комбинат аҳли жамоа шартномаси асосида барча имкониятларни ишга солиб, тадбиркорлик билан ишлаётганлиги учун ҳам кўп ижтимоий муаммоларни тез ҳал этишга муваффақ бўлмоқда.

Биз Олмалиқдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам жамоа шартномасига жуда катта эътибор берилаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу ерда ҳам жамоа шартномасини тузишга анча аввал ҳозирлик кўрилди. Цехлар, участкалар, бўлинмаларда бу борада суҳбатлар, йиғилишлар ўтказилди. Ишчи-хизматчиларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди, таклифлари ҳисобга олиниб, 1992 йил учун «корхона қонунини» яратиш жараёни давом этмоқда.

— Бу йил жамоа шартномасини қабул қилиш бироз кечикмоқда,— дейди халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Тоҳир Ҳамроҳонов,— чунки ҳалигача бошқа жумҳуриятлардан, чунончи Россиядан олинадиган хомашё масаласи, баҳолари аниқ бўлгани йўқ. Шубҳасиз ўтган йил яратилган имтиёзларни сақлаб қолиш ва ишловчиларга янги қулайликлар яратишга ҳаракат қиламиз.

Ўтган йили нархлар ошганлиги муносабати билан ишга чиққан ишловчининг ҳар бир кунига овқатланиш учун 5 сўмдан берилган эди. Янги жамоа шартномаси лойиҳасида 15 сўм қилиб белгиланди. Бирлашма жамғармаси ҳисобидан ўтган йили ноябрь ойида ҳар бир ишловчига қиш фаслига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олишга 300 сўмдан пул ажратилди. 1992 йилги ойнома ва рўзномаларга обуна бўлиш учун касаба уюшмаси ҳар бир ишчига 50 сўмдан ёрдам пули берди.

Кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш мақсадида жамоа шартномасига шундай банд киритилган: кексалик туфайли пенсияга чиқилаётганда 5 йилдан 10 йилгача мазкур корхонада меҳнат стажига эга бўлганларга 1000 сўм, 10 йилдан кўп ишлаган бўлса 2000 сўм, агар у мунтазам навбатли ишда ишлаган бўлса яна 50 фоиз қўшиб берилади.

Корхона ишчи-хизматчиларининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ҳар йили корхона жамғармасидан шаҳар бюджетига пул ўтказиш ҳам жамоа шартномасига киритилган. Ўтган йил шунинг ҳисобига 26 оила янги уй-жой билан таъминланди.

Танг вақтда корхона ишчи-хизматчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан баҳоли-қудрат таъминлаб туриш ҳам жамоа шартномаси бандларидан ўрин олган. Жамоа аъзолари шартномада унумли меҳнат қилиш ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ваъда беришган. Режалаштирилганидан кўп ишлаб чиқарилган маҳсулот бартер усулида айрибошланмоқда. Яқиндагина ана шу йўл билан ишловчиларга гуруч, гўшт, ёғ, картошка, олма ва бошқа маҳсулотлар олиб келиб арзон нархда сотилди. Шунингдек бир гал кўп болали оилалар ва Улуғ Ватан уруши иштирокчиларига 10 килограммдан бепул гуруч тарқатилди.

Ўтган йили 8 миллион сўмлик соф фойда кўзда тутилган эди, самарали ишлаш, тадбиркорлик ҳисобига 12 миллион сўм соф фойда олинди. Жамоа шартномасида бир ишчи учун ишлаб чиқариш ҳажмини 68 минг сўмга етказиш мўлжалланган бўлса, йил якуни бўйича 108 минг сўмни ташкил этди. Бу ҳам жамоа учун қўшимча имтиёзлар яратиш, ишлаб чиқаришни юксалтиришга кенг йўл очди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги, вилоят юк ташиш автотранспорт концерни, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, трансформатор заводи, 160-қурилиш трести ва бошқа шу каби корхоналар, хўжаликларда ҳам жамоа шартномасини тузиш бўйича илғор тажриба тўпланган.

Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, айрим корхона касаба уюшмалари ташкилотлари ҳамон эски фикр, эски усулда иш тутмоқда. Жамоа шартномаларини тузишда доимо ҳам ўз иродаларини намоён эта олмайдилар. Ҳамон раҳбарларнинг эрки билан иш тутмоқдалар. Оғирнинг устида, енгилнинг остида юрмоқдалар. Бундай корхона, ташкилотларда ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари етарли ҳимоя қилинмаяпти. Ишловчиларга имтиёзлар кам. Жамоат шартномасини тузишда қатъийлик кўрсатилмагач, маъмурият қандай хоҳласа шундай бўлаяпти.

Нархларнинг ошиши муносабати билан аксарият корхона, хўжаликларда ишловчиларнинг моддий аҳволи қийинлашмоқда. Маълумки бозор иқтисодиётига тўла-тўкис ўтилгунча нархларнинг «юқори» сакраши табиий. Бундай шароитда касаба уюшмалари бор имкониятлари, куч-ғайратларини аҳолининг асосий қатламлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратишлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, айрим вазирликлар, юқори идоралар жамоа шартномалари тузиш, унинг ижросини ташкил этишга етарли эътибор бермаяптилар. Шундай ҳоллар ҳам юз бермоқдаки, корхоналар, ташкилотларда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича янгича ташаббуслар билан чиқилса, жамғарма етишмайди баҳонаси билан бекор қилмоқдалар.

Бир қатор қўшма корхоналар, ижара жамоалари ва кооператив ташкилотларда жамоа шартномалари тузишга етарли эътибор берилмаяпти. Бундай ташкилотларда ҳозир неча ўн минглаб одам ишлайди. Қатор жойларда маъмурият жамоа билан жамоа шартномаси умуман тузмаган. Шу сабабдан ишловчиларнинг ҳуқуқларини камситиш, адолатсизлик юз бермоқда, меҳнат низолари келиб чиқмоқда. Одамлар идорама-идора юриб сарсон бўлмоқдалар.

Кейинги йилларда жамоа шартномалари кечикиб қабул қилинмоқда. Бу йил ҳам бу «анъана» давом этмоқда. Ҳозиргача жуда кўп корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари қабул қилинганича йўқ. Бу камчилик баъзи адолатсизликларга сабаб бўлаяпти. Одатда, ҳар йили янги жамоа шартномасида янги бандлар белгиланади. Кечикиб қабул қилиш натижасида меҳнаткашларнинг бир гуруҳи ундан бебаҳра бўлиб қолмоқда. Масалан, кейинги вақтларда оғир жараёнли корхоналарда ишловчиларнинг меҳнат таътиллари узайтирилмоқда. Жамоа шартномаси кеч тузилгач йил бошида таътилга чиқувчилар охирги жамоа шартномасининг таътилни чўзиш ҳақидаги бандидан фойдалана олмай қолади. Турли имтиёзларда ҳам шундай ҳоллар юз бермоқда. Бу ҳам маълум норозиликлар, кишиларнинг ҳуқуқларини камситишга олиб келмоқда.

Умуман, ҳозирги тақчиллик шароитида жамоа шартномаларининг ҳаётдаги ўрни катта. У маъмурият билан меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашнинг, бу орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий муҳофазани тартибга солишнинг зарурий омилидир.

Н. НАЖМИДДИНОВ,
Ўзбекистон телевидениеси катта мухбири.

Б. ПЎЛАТОВ,
вилоят касаба уюшмалари Кенгаши матбуот марказининг мудири, «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

Мазкур мавзу юзасидан кўрсатувни 28 январь куни Ўзбекистон телевидениесининг иккинчи дастури орқали соат 19.15 да кўришингиз мумкин.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

РАСМИЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

ҚОЗОҒИСТОН Президенти Нурсултон Назарбоев «Қозоғистон республикасида хўжалик объектларини рўйхатдан ўтказишни тартибга келтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Бу қарор рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, ишбилармонлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва ишбилармонлик фаолияти эркин бўлиши кафолатини вужудга келтириш мақсадида қабул қилинди. Ариза-ларни кўриб чиқиш муддати узоғи билан ўн кунга келтирилди.

«ИКАРУС» ТАТАРИСТОНДА ЧИҚАДИ

«ИКАРУС» маркали автобусларни Татаристон пойтахтида чиқариш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда «Татар-Икар» қўшма корхонаси ташкил қилинди. «Татавтотранс» уюшмаси билан Канаданинг «Холдингс ЛТД» фирмаси ўртасидаги шартнома унга асос бўлди. Маълумки, Канада фирмаси «Икарус» акционерлик корхонаси эгаларидан биридир.

ҲАЖ ОЛДИДАГИ ИШЛАР

АРМАНИСТОН халқ таълими вазири А. Григорян 27 январдан ўрта ва бошланғич ўқув юртларида машғулотларни қайта бошлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Арманистонлик мактаб ўқувчилари 10 декабрдан буён қарийб икки ой мактабларга келмаётган эдилар. Бунинг сабаби совуқ тушганлиги ва мактаб биноларини иситиш имконияти бўлмаганлигидир. Таълимнинг сиртқи шаклини қўлланишга ҳам рухсат берилди. Ўқувчилар уй вазифалари олиш учун бир-икки соатгагина синфларга келиб кетадилар. Бундан ташқари ўқувчиларни мактабдан ташқари биноларда ҳам тўплашга рухсат берилди.

ЕШЛАР ҲИМОЯГА ОЛИНДИ

ДУШАНБЕ шаҳар ижроия қўмитаси талабаларга ёрдам бериш чораларини кўрди. Шаҳар олий ўқув юртларида билим олаётган ва ётоқхоналарда ҳамда хусусий хонадонларда яшовчи 15 минг йигит ва қизга овқатланиш учун талонлар ажратиладиган бўлди. Барча талаба ва мактаб ўқувчиларига шаҳар транспортида текинга юришга руҳсат берилди.

РЎЗНОМАСИЗ ҲАЕТ

ЙИЛ бошидан буён Ереванда Москванинг биронта ҳам рўзномаси нашр этилмаётир. Ҳадемай маҳаллий даврий нашрларнинг кўпчилиги ҳам чиқмаса керак. Республика рўзномаларининг муштарийлари бу рўзномаларни ҳозир ололмаяптилар,— уларни уйларга етказиб бериш деярли тўхтатиб қўйилган.

Ахборотлар тақчиллиги телевидение кўрсатувлари вақти кескин камайтирилганлиги билан янада кучайиб кетди. Ҳозир телекўрсатувлар бир кунда атиги уч соат давом этмоқда. Шаҳар радио тармоғи ҳам тез-тез тўхтаб қолмоқда. Қисқаси, Арманистонда ахборот воситаларининг аҳволи ана шундай ночор.

СЎМ ЎРНИГА ЛЕЙ

МОЛДОВА парламенти депутатлари миллий валюта тўғрисида қонун қабул қилдилар. Ана шу қонунга кўра Молдованинг ўз пулилей чиқариладиган бўлди. «Лей» — «лев» (арслон) маъносини англатади. Бу пулни ишлаш ва босиб чиқариш учун Ғарбий Европа мамлакатларидан бирига буюртма берилди. Айнан қайси мамлакатга эканлигини миллий банк бошқарувчиси ҳозирча журналистларга маълум қилмаяпти.

РОССИЯ АҲОЛИСИ 148,8 МИЛЛИОН

РОССИЯ Федерацияси аҳолиси сони аниқланди. Давлат ҳисоб қўмитасининг хабар беришича, 1992 йил 1 январга келиб аҳоли сони тахминан 148,8 миллион киши бўлган. Аҳоли сонига 250 минг — 0,2 фоиз қўшилган. Шуниси характерлики, аҳолининг табиий ўсиши атиги 128 минг кишини ташкил этган ва 1990 йилдагидан 2,5 марта кам бўлган.

(МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ).

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

● Бригада етакчилари ҳақида ҳикоялар

ТОШПЎЛАТНИНГ «ҲАЗИЛ»ЛАРИ

ХАЛҚИМИЗДА «ҳазил таги зил» деган нақлнинг борлигини кўпчилик тан олмаслиги, пайқамаслиги, қолаверса, ишонмаслиги ҳам мумкин. Шу жумладан, бригада бошлиғи Тошпўлат Ҳожибоев ҳам шундай деб ўйларди. Болалигиданоқ ўз тенгдошларига аския аралаш ҳазил—мутойиба қилишни хуш кўрарди. Бундан беғубор кулар, лаззатланар эди. Бобоси Азамат Ҳожибоев ҳам ҳазилкаш инсон ўтган.

Шундан бўлса керак боболари, акалари ва отасида бўлган барча инсонийлик фазилатлари Тошпўлатда ҳам мужассам эди. Ўн етти ёшлигидаёқ унинг бошига оғир кулфат тушди. Отасидан айрилиб қолди. Оила бошлиғи бўлишдек оғир юк энди унинг гарданига юкланди. Олий ёки ҳунар-техника билим юртига кириб ўқишнинг имконияти ҳам йўқ эди. Шунинг учун у ўзини далага уриб, уста деҳқон Ж. Азаматовдан деҳқончиликнинг сир-асрорларини ўрганди. Бундан бир неча йил бурун устози Ж. Азаматов бригадирликни Тошпўлатга топширди. Унга катта ишонч билдирди.

Бригада далалари Сирдарё бўйлаб чўзилиб кетган. У далаларнинг барча паст-баландликларини, ернинг мелиоратив ҳолатини ўрганиб, комил ишонч билан ишга киришди. Ғўзаларга ўз вақтида ишлов бериб, ҳосил учун замин ҳозирлади. Куз келди. Пахтадан кутилган ҳосил пишиб етилди. Ғўзаларнинг барги сунъий тўктирилди. Шунда Тошпўлат бир «қалтис ҳазил» қилди. Машина теримини бошқалардан беш кун олдин бошлади. Мутасадди ўртоқлар уни «ўзбошимча» ликда айблашди.

Бундан хабар топган ноҳиянинг барча раҳбарлари, мутахассислар унинг бригадаси далаларига кела бошладилар. Дала йўллари жуда серқатнов бўлиб қолди. Биров у деса, биров бу деди. Хуллас, у ўз ишидан қайтмади. Натижа шунда билиндики, бир неча иш кунидаёқ бригада хўжаликда ва ноҳиядагина эмас, балки вилоятда ҳам биринчи бўлиб белгиланган режани бажарди.

— «Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас», деб шуни айтишади-да, балли, ота ўғил!— каби илиқ каломлар билан уни кўпчилик самимий қутлашди...

Бу воқеага анча йил бўлди. Ўша йили бригада режа ва мажбуриятини ортиғи билан адо этиб, гектар бошига 33 центнердан пахта ҳосили олди.

Энди Тошпўлатнинг яна бир «ҳазили»ни эшитинг.

...1990 йил. Октябрь ойининг бошлари. Тошпўлат кечқурун хўжалик бошқаруви раиси ҳузурига борди.

— Ҳа, кел, Тошпўлат, тинчликми?— ҳайрат ичра сўради раис.

— Бу йилги режани ҳам мана саксон фоизга етказиб қўйдик. Энди менга 10—15 кунга жавоб берасиз,— жиддий сўзларди бригадир.

— Шундай долзарб паллада-я?

— Ҳа!

— Ҳазилингни қўйсангчи, сенга жавоб бersам, бошқалар нима дейди? Ҳосил нима бўлади?!

— Ҳеч нарса дейишмайди. Ҳосил эса мўл бўлади, — деди у қатъий.

Шундай қилиб у қўярда-қўймай раисдан рухсат олди. Бригадасига келиб, уларга бир ҳафтага жавоб бериб юборди. Тошпўлат буни «нафасни ростлаб олиш даври» деб атади. Ўзи эса Фарғона томонларга томоша қилгани кетди. Сафардан қайтиб келиб, қарасаки, майдонлар янада оппоқ тусга кирибди. Дарҳол иккита пахта териш машинасини теримга туширибди, тўрт кун деганда режани уддалади. Одамлар унинг «ҳазил»ига қойил қолишди. Тошпўлат уч йил мобайнида рўй берган «ҳазиллар»ни эслар экан, яна бировга айтиб ўтирманг-а, деди кулиб.

Дарвоқе, унинг бригадаси пахтадан ўтган йили ҳам юқори ҳосил олишга эришди. Бундан ташқари 26 гектар ерда беда, бир гектар майдонда помидор, 10 гектарда маккажўхори ҳам етиштирди.

Қани кўрайлик-чи, Тошпўлатнинг бу йилги «ҳазили» қандай бўларкин.

Ҳ. ОТАҚУЛОВ,
Бекобод ноҳияси, Навоий номли жамоа хўжалиги.

ВАКОЛАТИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШ КЕРАК

ЭСКИ йилни кузатиб, янги йилни кутиб олаётганимизда турли жамоаларда йил давомида қилинган иш сарҳисоб қилинади. Ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, янгидан режалар тузилади. Мен ҳам қуйида халқ депутатлари Куйбишев қишлоқ шўроси бўйича ўтган йил давомида қилинган ишлар ва ишимиздаги айрим муаммолар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Янгийўл районидаги халқ депутатлари Куйбишев қишлоқ шўросига 50 нафар депутат сайланган бўлиб, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишмоқда. Улар бир депутат группасига ва 7 та доимий комиссияга бирлашишган. Ўтган йили ушбу группа ва доимий комиссияларда ўз вақтида йиғилишлар ўтказиб борилди. Унда қишлоқ шўроси депутатлари ва маҳалла фаоллари иштирок этишди. Ушбу йиғилишларда маҳаллалардаги ижтимоий-сиёсий ва бошқа турли масалалар кўриб чиқилди. Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Эндиликда қишлоқ шўросига тўлиқ ваколатлар берилиши лозим. Шундагина уларнинг халқ ўртасидаги обрўси ошади ва меҳнаткашлар турмуш тарзини яхшилаш борасида янада дадил қадамлар қўйишлари мумкин. Юқорида айтиб ўтганимдек, қишлоқ шўроси йиғилишларида шу кунлардаги долзарб муаммолар — халқимизни кенг истеъмол моллари билан таъминлаш, деҳқонларга томорқа бериш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш каби долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга жойларда кўнгилли халқ дружиналари тузилиб, аҳоли осойишталигини сақлаш учун тунги навбатчиликлар ташкил этилди. Яна бир муҳим масала. Бу ҳам бўлса маҳаллалардаги турли хил миллий маросимларни ўтказишда ортиқча ҳаражат ва дабдабага йўл қўймасликка, тўй ва маъракаларни иложи борича ихчам ва чиройли ўтказишга ҳаракат қилинмоқда.

ҚИШЛОҚ ШУРОЛАРИДА

Лекин ишимизда шундай муаммолар борки, бу қишлоқ шўроларининг халқ фаровонлигини юксалтиришда янада дадил қадамлар қўйишига ҳалақит бермоқда. Масалан, маҳалла қўмиталарининг фаолиятини ошириш учун уларга муҳр зарур. Агар мана шу нарса ташкил этилса, фуқароларнинг арзимаган ҳужжат учун узоқларга қатнашига барҳам берилади. Қишлоқ шўросининг оралиқ масофаси эса 15 километрни ташкил этади. Биз халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги каби долзарб муаммоларни қишлоқ шўроси сессиялари йиғилишларида муҳокама қилаяпмиз. Афсуски, моддий маблағ етарли бўлмаганлиги учун мавжуд камчиликларни бартараф этишда қийинчилик сезилмоқда. Яна шуниси ҳам борки, қишлоқ шўроси аппарати учун хоналарнинг етишмаслиги кўпгина қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунончи бизда аҳолини ишга жойлаштириш инспекторининг хонаси ҳанузгача йўқ.

Бизнинг қишлоқ шўромиз билан районимиз маркази масофаси анча узоқ. Шу сабабли ҳам турли хил йиғилишларга бориб келиш учун беш-олти соатлаб вақтимиз беҳуда кетмоқда. Агар бизга транспорт воситаси ажратилса айни муддао бўларди. Бу яна ҳудудимизда истиқомат қилувчи 14 минг 787 кишининг талаб ва шикоятларини ўз вақтида бажариш

• *Одамлар, бефарқ бўлманг!*

ОТА ИЗТИРОБИ

Афғон уруши. Бу икки оғизгина сўз юракларга ҳамон ларза солади, ўғли дардида жигар-бағри кабоб бўлган онаизорнинг аламини ўйлайди, отани унсиз йиғлатади.

Нима учун фарзандларимиз, кечагина иссиқ бағримизда юрган, уруш даҳшатларини кинолардагина кўриб юрган содда — гўл жигаргўшаларимизни Афғонга юбордилар? Ўйлаб ерда нимани талашдик, кимларни ҳимоя қилдик? Бу саволларга ҳеч ким аниқ жавоб беролмайди.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи Жуман Сариев ҳам ўғлидан айрилиб, дард-дунёси зимистон бўлган оталардан бири. Унинг эндигина ўн тўққизга кирган ўғли Фазлиддин Афғонда кўз юмди.

Ўғли дардида Жуман аканинг қадди букилди, Фазлиддиннинг қўл излари шундоққина билиниб турган сомон сувоқли уй деворларини юз—кўзларига суртиб, ўртаниб-ўртаниб йиғлади. Ўғлимни топиб бер, деб кимга боради, кимнинг ёқасидан тутади? Жигаридан айрилган биргина у эмас...

Шаҳид кетганларни «байналмилалчи»лар деб атаймиз. Лекин қўшни Афғон юртининг ишига аралашиб, у ерга азамат йигитларимизни юборганлигимиз байналмилалчиликка кирармикин? Ҳалок бўлган йигитлар учун берилган нишонлар, яратилган имтиёзлар айрилиқ оловини ўчира олмайди, фарзанд доғида сочларига эрта оқ оралаган ёшгина жувонлар дардига малҳам бўлолмайди.

Шундай бўлса-да, ўғли дардида ҳамон азоб чекаётган кишиларнинг кўнглини кўтариб, далда-суянчиқ бўлиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бу борада вилоятимизнинг кўпгина жойларида ибратли ишлар қилинмоқда. Афғондан қайтмаган йигитлар хотираси абадийлаштирилмоқда, ота-оналарини йўқлаб туришибди.

Биз рўзномамизнинг ўтган йилги сонларидан бирида «Изларингни излайман, ўғлим» сарлавҳали мақола эълон қилиб, Жуман Сариевнинг изтиробларини, ўғлидан айрилган отага Чирчиқ шаҳрида ҳеч ким эътибор бермаётганлигини қаламга олган эдик. Мақола юзасидан жуда кўплаб хатлар келди, муштарийлар шаҳар раҳбарларини инсофга, Фазлиддиннинг ота-онасига ёрдам беришга чақирдилар. Мақола чиққач, Жуман Сариевни Чирчиқ шаҳар ижроия қўмитасига чорлашиб, телефонингизни тузатиб берамиз, чала иморатингизни тиклаб олишга ёрдамлашамиз, дейишди. Фазлиддин яшаган А. Тўқай номли кўча Фазлиддин Сариев номи билан аталадиган бўлди. Бу тўғрида шаҳар ижроия қўмитасининг махсус қарори ҳам чиқди.

Яқинда Жуман Сариевдан хат олдик.

«Ҳеч кимнинг бошига фарзанд доғини солмасин. Фазлиддин менинг ярим умримни олиб кетди. Шаҳар ижроия қўмитаси ўғлим яшаган кўча номини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилганда сал бўлса-да, айрилиқ алами босилди, дилимиз ёришди. Лекин қарор қабул қилиндию, кучга кирмади, бу билан ҳеч ким қизиқмади ҳам. Кўча ҳамон Абдулла Тўқай, деб юритиляпти. Шаҳар рўзномасида (1991 йил, 28 ноябрь) Президент сайловлари муносабати билан сайлов участкалари рўйхати берилди. Унда ҳам Фазлиддин Сариев номи тилга олинмаган, ўғлим номига шаҳар ижроия қўмитаси махсус қарори билан қўйилган кўча ҳамон илгаригидек А. Тўқай кўчаси, деб юритилган.

Яна бир алам қиладиган томони шундаки, шаҳримизнинг 9-микрорайонида Афғонда ҳалок бўлган йигитларимиз хотирасига бағишлаб ёдгорлик тоши ўрнатилиб, унга 22 нафар ҳамшаҳримизнинг исм-шарифи ёзилган эди. Биз бу ёдгорлик боғи муқаддас жойлардан бирига айланиб қолади, деб кутган эдик. Афсуски, ёдгорлик ўрнатилган жойда қўй-эчкилар пода-пода бўлиб юрибди.

Афғонда бевақт ҳалок бўлган йигитларнинг юзлаб, минглаб ота-оналари ҳаққи-ҳурмати улар мангу ором топган жойларни эҳтиётлаш, хотираларини абадийлаштириш лозим эмасми?».

Жуман ака ҳақ гапларни ёзибди. Афғонга кетиб, қайтмаган юртдошларимиз — ўғлонларимиз юрагимизга умрбод тиралиб турадиган алам тошларига айланишди. Афғон урушлари, собиқ мамлакатимизнинг собиқ раҳбарлари йўл қўйган хатолар такрорланмаслиги учун йигитларимиз хотирасини унутмайлик, уларнинг номлари, ёдгорлик тошлари бизни хушёрликка чорлаб турсин.

Мақоламиз сўнггида Чирчиқ шаҳар ижроия қўмитаси раҳбарларидан ўзлари қабул қилган қарорни тезроқ амалга оширишлари, Жуман Сариев илтимосларини инобатга олишларига ишонамиз.

Эсон ҚОСИМОВ.

• *Шу кунларнинг долзарб масаласи*

ДАВР ВА ГИМНАЗИЯ

ЕКИ ЯНГИЧА УСУЛ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА

1991 ИЙЛНИНГ 1 сентябридан Тошкент ноҳиясидаги 35-ўрта мактабда вилоятимиз бўйича биринчи марта ўқувчиларни гимназия усулида ўқитишга киришилди. Бинобарин, қай бир соҳада амалиётга янгилик жорий этилар экан, ўша жойда ютуқлар билан бирга камчиликлар, ҳато ва ечиминн кутаётган муаммолар бўлиши табиий. Ўқувчиларни гимназия усулида ўқитишни йўлга қўйиш ҳам дастлабки қадам бўлгани боисдан бундан мустасно эмас. Биз яқинда мазкур мактабда бўлиб, масаланинг ана шу томонлари билан атрофлича қизиқдик.

— Гимназия янги усулдаги мактаб бўлиб, у ўқувчиларни табақалаштирилган ҳолда ўқитишга асослангандир, — деди бизни илиқ қарши олган мактаб бош илмий мудири Елена Катюхова.

«Гимназия нима ва у умумтаълим мактабларидан қай жиҳатлари билан фарқ қилади?» деган саволимизга жавоб қайтарар экан, — гап шундаки, умумтаълим мактаблари учун чиқарилган программа барча ўқувчилар учун бирдек тегишли. Бироқ болаларнинг қизиқиш ва савиялари эса турличадир. Уларнинг бирови қобилиятли бўлса, иккинчиси уқувсиз, яна бошқаси истеъдодли бўлиши мумкин. Бас, шундай экан, ўқувчиларни ялписига мана шу умумий программада ўқитиш ярамайди. Бошқача қилиб айтганда, мана шу тартибда ўқитиш яна давом эттирилаверадиган бўлса, худди ўтган 74 йилда бўлганидек, мутахассис кадрлар тайёрлашда мавжуд имкониятни бой бериб қўямиз. Шу боисдан ҳам биз кейинги икки йил мобайнида мактабимизда тажриба-намуна тарзида ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишни йўлга қўйдик. Токи, гимназия умумтаълим мактабларидан тубдан фарқли ўлароқ, қобилиятли ўқувчиларга тамоман бошқача йўналиш ва малака берсин.

Е. Катюхованинг қуюнчаклик билан таъкидлашича, ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш қўлланилганда, биринчидан, илмга чанқоқ ўқувчиларни танлаб, ажратиб олиш, уларга ҳар бир фан сирларини чуқур ўргатиш имконига эга бўлинибди, иккинчидан ҳар бир ўқувчига имкон қадар билим беришга шароит яратилибди. Учинчидан, болалар орасида рақобат, албатта, ижобий маънода пайдо бўлгани ва унинг натижасида илм олишга нисбатан бефарқлик йўқола бошлабди. Бунда ўқувчилар синфларга миқдор эмас, сифат жиҳатидан танланиб тасдиқланади.

Ҳамма ҳам ишбилармон ва тадбиркор бўлавермайди. Ҳар бир ўқувчининг ўз қобилияти, мойиллиги бўлакча. Гимназия усулида ўқитишнинг афзалликларидан бири ҳам болаларнинг ўзига хос томонларини инобатга олиш зарурлигидир. Уларнинг табиий ҳислат ва мойилликлари асосида иш олиб бориш ҳам фарз, ҳам қарздир.

Гимназия ҳақида сўз юритилар экан, даставвал бу усулда ўқитилган ўқувчилар тамоман ўзга ўқув режаси асосида шуғулланаётганликларини уқтириб ўтиш даркор. Рус тили, математика ва чет тили бўйича программалар ўзгарди. Бу ўзгача программалар устида мазкур мактабнинг Софья Ким, Людмила Мазкуревич ва Суфьянов сингари ўқитувчиларнинг ўзлари иш олиб бордилар.

— 1, 2 ва 3-гимназия синфлари ўқувчилар онгини умумий ривожлантириш, тараққий эттириш синфларидир. Гимназияда биринчи синфданоқ инглиз тили ўрганилмоқда. Бу ўринда район халқ таълими томонидан тўпланган тажрибани ўрганиб келиш учун Елена Катюхованинг Москвага муайян муддатга сафарга юборилгани ва эндиликда 35-мактабда инглиз тилидан дарс ўтишда у ердаги билим масканларида қўлланилаётган услубий адабиётлардан фойдаланилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Гап гимназия машғулотлари ҳақида борар экан, нафосат тарбиясига алоҳида эътибор берилаётгани, хусусан, тасвирий санъат дарс соатлари кўпайтирилганлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар бирор расмни чизаётганларида, муайян мусиқа, ёзувли кассета-магнитофонни қўйиб эшиттириш ҳам яхши самаралар бераётганлиги айни муддао бўлди.

Машғулотлар гимназия усулида олиб борилаётган 5, 6—7 синфларда ҳозир касбга йўналтириш ўқувида ўтиш даври кузатилмоқда. Юқори синфлардан қай бирини, чунончи, 7—«Г» синфини олиб кўрайлик. Келгуси йилдан бу синф ўқувчиларининг ўз ялпи соҳаси, йўналиши аниқ бўлади.

— Ҳар бир ўқувчининг қизиқиш, қобилияти ва лаёқатини аниқлаш ҳақида гап борар экан, мактабимизда психолог хизмати жорий этилганлиги яхши бўлганлигини қайд қилиш лозим деди мамнунлик билан Е. Катюхова. — Малакали мутахассис Людмила Балобанова бу борада биринчи синфдан бошлаб ҳар бир ўқувчи бўйича психологик тадқиқот олиб бормоқда. У ҳар бир боланинг ривожланиш, тафаккурлаш даражаси, қобилиятини синчиклаб ўрганади. Бинобарин, ҳар бир ўқувчи учун психологик карта жорий этилади. Тадқиқот пировардида психолог-ўқитувчи қайси ўқувчи қайси касб ё мутахассисликка қизиқишини билиб, узил-кесил аниқлаб беради.

Ҳозирги пайтда мазкур мактабда жами 703 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Шундан 150 нафар ўғил-қиз гимназияга жалб этилган. Шу жумладан, 48 нафар ўзбек, 6 нафар уйғур, 39 нафар рус, қолганлари бошқа миллатга мансуб ўқувчилардир. Гимназия бўйича битта ўзбекча ва битта рус тилида машғулот олиб бориладиган синфлар бор. Қолган 2, 3, 4, 5, 6 ва 7-синфларда ўқувчилар рус тилида таҳсил кўришади.

— Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, — деди Катюхова сўзида давом этиб, —шу ўқув йилининг бошида гимназия учун муносиб ўқувчиларни танлаётганимизда, ўз фарзандларини шу усулда ўқитишга талабгор бўлиб ўзбек ота-оналаридан ҳам анчаггина киши келди. Шунинг учун ҳам биз дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган биринчи гимназия синфини очдик. Афсуски, шу синф ўқувчиларини ўқитадиган талаб даражасидаги малака ва тажрибага эга бўлган ўқитувчиларни танлов асосида қабул қилиш имконига эга бўлолмадик. Ҳозирги ўзбек гимназия синфидаги ишлаб турган мавжуд ўқитувчиларнинг билим савияси ва малакаси бизни қаноатлантрмайди. Шу маънода ўзбек тилида ўқитиладиган гимназия синфимизни етарли малака ва маҳоратга эга бўлган, юқори савияли педагоглар билан таъминлашда район халқ таълими бўлимидагилар тезроқ ёрдам берсалар, мушкулимиз осон бўлур эди.

Суҳбатимиз асносида бош илмий мудир психологнинг ўқувчилар билан самарали машғулот олиб бориши учун замонавий жиҳозланган хона зарурлигини ҳам эслатиб ўтди. Мактабнинг ўзи хонани жиҳозлаш имконига эга эмас экан. Бу борада район халқ таълими бўлими ваъда берибди-ю, аммо ҳанузгача ваъда ваъдалигича қолиб келаётган экан.

— Ҳамиша дастлабки қадам қийин бўлганидек, биз бошлаган янгилик, ўқувчиларни гимназия усулида ўқитишни жорий этишда ҳам машаққатлар, муаммолар содир бўлиб турибди, — деди мактаб директори Зоя Алкаева, — масалан, гимназия ўқувчилари янги йилдан сўнг биринчи синфдан бошлаб электрон-ҳисоблаш машинаси элементларини ўргана бошлашлари керак эди. Мактабимизда фақат биргина компьютерли синфхона бўлиб, у ҳам тўлиқ жиҳозланмаган. Район халқ таълими бўлими мудири бу хилдаги жиҳознинг биринчиси келиши билан, бизнинг мактабга беришга ваъда берган. Шу иш қанчалик тезроқ ҳал этилса, шунчалик маъқул иш бўларди. Энг муҳими, бизга гимназиямизни оталиққа оладиган моддий-иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлган ҳомий керак, деб ҳисоблайман. Бусиз ишимизда олга қараб силжиш бўлиши амри маҳол. Районимиздаги 4-кўчма механизациялашган колонна эса бизга ҳеч қандай ёрдам бермаётир. Ҳатто, мазкур колонна раҳбарлари биз билан шартнома тузишдан бош тортдилар. Нима бўлганда ҳам ташкилотлар бизни қўллаб-қувватлашларини истардик.

Директор гимназия ўқувчиларига яратилган қатор имтиёзлар тўғрисида ҳам гапирди. Чунончи, гимназия муаллимларига умумий ойлик маошининг 15 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланар экан. Бундан ташқари, ҳар бир дарс ва синфдан ташқари бажарилган ишлар учун 30—50 сўм миқдорида ҳақ тўланади. Шаҳардан қатнаб ишловчиларга ер ҳам берилади.

Хулоса қилиб айтганда, 35-мактабда бошланган хайрли иш ҳар жиҳатдан диққатга сазовор. У бундан буён ўз соҳасини пухта эгаллаган, юқори малакали, билимдон ва истеъдодли мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратилгандир. Гимназия синфлари ўқувчилари учун уй-рўзғор ишлари, уй ҳамшираси, расм ва драма каби тўгараклар ишлаб тургани ҳам эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилгусидир. Аммо лоақал Келес туман жой мавзесини олиб кўрган тақдиримизда ҳам у ерда ўрта ҳисобда 2,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ўзбек миллатига мансуб аҳолидир. Ҳамон шундоқ экан, назаримизда дарслар ўзбек тилида олиб бориладиган ҳозирги биргина гимназия синфи озлик қилади. Айни чоғда мактаб раҳбарлари яна ўзбекча гимназия синфлари очиш хусусида ўйлаб кўрсалар, фойдадан ҳали бўлмас эди.

Шу ўринда яна бир гап. Агар сиз мазкур мактаб раҳбарлари билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, дарҳол бошқалар улар бошлаган «янгилик моҳиятига тушуниб етишмаётгани»дан нолиб қолишади. Бизнингча, агар шу 35-мактаб ўқитувчилари навбат билан вақт ажратиб, бошқа билим даргоҳларида бўлиб, касбдошлари ва ўқувчилар ўртасида гимназия услубида ўқиш, ўқитишнинг афзалликлари хусусида суҳбатлар ўтказиб туришса, юқоридагидек нолишларга ҳам ўрин қолмаган ва янгича услубда таълим олувчи ўқувчилар сафи маҳаллий миллат вакиллари хисобига анча кўпайган бўлур эди.

М. ТУРОБОВ.

• *Шифокорлар ҳақида ҳикоялар*

ҲАЛОСКОРЛАР ХОНАДОНИ

Яқинда ҳамқишлоғим, «Оҳангарон» давлат хўжалигининг трактор ҳайдовчиси Абдукарим Ёқ̆очев билан учрашиб қолдим. Суҳбат асносида Абдукарим Нуробод қўрғонидаги шифохонанинг дўхтири тўғрисида меҳр билан гапирди. Кейинчалик ўша шифокор қўлида саломатлигини тиклаган Қаршибой ота Сафарқулов нажоткор ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

— Аҳволим жуда оғир эди,— дейди Қаршибой ота.— Тўсатдан нафасим қисила бошлади. Кўз олдим қоронғилашиб, хушимни йўқота бошладим. Яхшиямки, ўша куни куёвим Абдукарим келган эди. Дарҳол Нуробод қўрғонидаги шифохонага олиб борди. Аҳволимни кўрган врачлар зудлик билан жадал даволаш бўлимига ётқизишди.

Касалхона бош шифокори Нуритдин Алимқулов ўзи бошчилик қилаётган касалхонадан иложи борича бирон ҳам беморнинг тузалмай чиқиб кетишига йўл қўймайди. У дарҳол кекса механизаторнинг ҳолидан хабар олди. Ҳамманинг кўзи жадал даволаш бўлимидан чиқиб келаётган Нуритдинда эди. Бироқ у ўзидаги ҳаяжонни ҳеч кимга сездирмасликка ҳаракат қилди ва дарҳол ўз ёрдамчиларини ҳузурига чақирди. Касаллиқ тарихини синчиклаб ўқиб чиқиб, муолажа ўтказиш режаларини белгилади. Улар отани шошилинч операция қилишга киришишди. Бир ярим соат давом этган операция муваффақиятли тугади.

Қаршибой ота Сафарқулов оиласига, фарзандларига янги шифохонага бош дўхтир этиб тайинлашди. У ўз устида тинмай ишлайди, кўп ўқийди, назаримда анча иқтидорли жарроҳ. Опаларим Мастура ва Маҳзуралар ҳам тиббиёт ҳамширалари бўлиб меҳнат қилишади. Келинимиз Дилорамхон болалар шифокори. Менинг рафиқам Кларахон эса ноҳия юқумли касалликларни даволаш бўлимида мутахассис...

Ҳа, оҳангаронлик Алимқуловлар шу пайтгача минглаб юртдошларимиз саломатлигига посбонлик қилиб келишмоқда. Зеро, Нуритдин Алимқуловнинг эл орасида обрў-эътибор топишида ўзининг истеъдоди қатори акаси ва устозлари ўгити ҳам қўл келмоқда. Шундай бўлсада, жарроҳ ўз устида қунт билан ишлайди ва тажрибасини мустаҳкамлашдан сира эринмайди.

М. ҚАЮМОВ.

АКС САДО

ЖАЗОНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Киров районида яшовчи яқин таниш-нинг 22 яшар ўғлини безорилар ваҳшийларча калтаклаб, ташлаб кетишган экан. Касалхонада жони узилибди. Жанозага бориб, ота-онаси, жигаргўшаларининг дод-фарёдини кўриб йиғламаган одам қолмади.

Жанозадан келиб, рўзномаларни варақлаб кўзим «Инсон қони сув эмас» мақоласига тушди. Уни ўқиб, юқоридаги ҳолат кўз олдимга келиб, ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Чунки мен ҳам фарзанд доғини кўрганман-да. Биз бу дунёда энг улуғ мавжудот инсон деймиз-у, лекин бу номга доғ тушириб, қилинаётган ваҳшийликлар, кўзбўямачиликлар, инсофсизлик, имонсизликларни кўриб, эшитиб ёқа ушлайсан киши. Нима учун бир маротаба бериладиган азиз умримизни эзгу ишларга сарфламаймиз.

Минг шукрлар бўлсинким, Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришди, демак бундай кейин ўзимизнинг кескинроқ, ёмонларнинг жиловини тортиб қўядиган қонунларимиз бўлиши лозим. Улар ижросини эса, қаттиқ назорат остига олиш керак. Агар ўғриларни, безориларни таноби тортиб қўйилмаса, ота-оналарнинг, етим-есирларнинг кўз ёшлари ортиб бораверади. Жазо кучаймас экан, жамиятимизнинг поклaниши амри маҳол.

Саъдулла СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳри.

БОЛАКАЙЛАРНИ ЎЙЛАБ

Кейинги йилларда Бектемир ноҳиясида катта бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Ана шу қурилишлардан бир нечтаси болалар муассасалари ихтиёрига берилди. Болалар боғчаларининг ўзидан бир йўла бешташи фойдаланишга топширилди. Шу кунларда тез-корлик билан тикланаётган кўркам бино ҳам кичкинтойларга тортиқ қилинади.

Келгуси йили ҳам навбатдаги болалар боғчаси қурилади. Юқорида айтиб ўтилган жажжи ўғил-қизлар дидига мос кўркам бинолар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига қарашли 18-бирлашган қурилиш дирекциясининг фидойи азаматлари қўлидан чиқмоқда.

С. ОДИЛОВА.

ҲАРНА ЁРДАМ

ЎЗБЕКИСТОН жумҳурияти геология ва бошқа ресурслар давлат қўмитасининг кўпчилик бирлашмалари, корхоналари, илмий-тадқиқот ташкилотларида тақчиллик ва таназзуллик ҳукм сураётган ҳозирги вақт талабларидан келиб чиқиб, меҳнат жамоаларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тобора кенг миқёсларда амалга оширилмоқда.

Бу муҳим ишнинг барча имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Геологларнинг иш ҳақлари ортаяпти, ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги ошмоқда, уларга товонлар, овқатланишлари учун ёрдам пуллари берилаяпти. Бунинг учун миллион-миллион сўмлаб маблағ ажратилмоқда.

Тармоқ корхоналари, ташкилотлари, муассасаларида ёрдамчи хўжаликларнинг барпо этилиши ҳам ҳозирга келиб жуда асқотмоқда. Геологларни турли хил чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлашда уларнинг сезиларли улуши бор. Ҳозирги вақтда ишлаб турган ёрдамчи хўжаликлар сони ўттизтага яқинлашиб қолди. Аксариятида фермалар ташкил этилган. Улар тармоқ ишчи-хизматчилари эҳтиёжлари учун гўшт ва сут етказиб беришни кучайтириб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, ҳар йили уларда 560—565 тонна атрофида гўшт етиштирилиб, меҳнаткашлар дастурхонига тортиқ қилинаяпти. Бундан ташқари, етиштирилган сут миқдори йилига тўрт юз тоннага яқинлашиб бормоқда.

Ёрдамчи хўжаликлар турли деҳқончилик маҳсулотларини ҳам меҳнат жамоаларига етказиб беришяпти. Ҳар йили юзларча тонналаб етиштирилаётган сабзавотлар, мевалар, резаворлардан кон наловчилар баҳраманд бўлишяпти. Қисқаси, дастлаб қимматга тушган бўлса ҳам ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиб, янглишилмаган экан. Улар ўз сафига 32 минг кишидан ортиқ кон, табиий бойликлар изловчиларни бирлаштирган катта жамоа эҳтиёжларини қисман бўлса ҳам таъминлашга ёрдам бермоқда. Шуни ҳисобга олган тармоқ раҳбарлиги мавжуд хўжаликларни кенгайтириш, янгиларини ташкил этиш ва бу билан ишчи-хизматчиларнинг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашга кўмаклашишга қаратилган янги режаларни амалга оширмоқдалар.

М. ҲАМИДОВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ХВФГА АЪЗО БЎЛИШ УЧУН

● НЬЮ-ЙОРК яқинидаги унча катта бўлмаган шаҳарча — Гарден-Ситида жаҳоннинг саноати энг ривожланган мамлакатлари — АҚШ, Канада, Англия, Германия, Италия, Франция ҳамда Япония молия вазирлари ва марказий банклари раҳбарларининг етти соат давом этган учрашуви бўлиб ўтди. Унда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари бўлган собиқ СССР жумҳуриятларидан кўпчилигини шу йил апрель ойида Халқаро Валюта Фонди аъзолигига қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди.

ХВФга аъзо бўлиш тартиблари одатан тўққиз ойдан тортиб ярим йилгача бўлган муддат ичида ҳал этилади. Бироқ, бу сафарги учрашув иштирокчилари бу муддатни қисқартириб, қабул қилиш жараёнларини баҳоргача тугаллаш фикрини билдирдилар. Гап Россия, Украина, Қозоғистон, Арманистон, Озарбайжон, шунингдек, Болтиқбўйи давлатларини ХВФга қабул қилиш тўғрисида борди. Чунки улар ХВФга қабул этиш тўғрисида расман ариза билан мурожаат этган эдилар. Гарден-Сити учрашувининг ниҳоясида МДҲ жумҳуриятларининг умумий улуши тўрт фонзга яқин бўлади, деб белгиланди. Мазкур рақам қабул қилингудек бўлса, собиқ СССР жумҳуриятлари ХВФ рўйхатида Японнядан сўнг олтинчи қаторни эгаллайди. Биринчи ўринда 4,69 фоиз улуш билан АҚШ туради.

МОСКВА — ЯҚИН ШАРҚ

● 28 ЯНВАРЬ куни Москвада Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилишига бағишланган конференциянинг навбатдаги учинчи босқичи бошланади. У иштирок этувчи мамлакатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари даражасида бўлади. Россия ташқи ишлар вазири А. Козирев ҳамда АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер ҳамраислар сифатида фаолият кўрсатадилар. Навбатдаги босқичда музокаралар мавзулари, шунингдек, унда иштирок этувчилар таркиби аниқланади, деб кутилмоқда. Шунингдек, музокаралар Яқин Шарқ минтақасида қуролсизланиш, ядровий қуролни тарқатмаслик, атроф-муҳит, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сингари улкан муаммолар ҳам ўртага ташланади.

ОППОЗИЦИЯ БОШИ БЕРК КУЧАДА

● ЖАЗОИРДА фуқаролар уруши бошланиб кетиши мумкин,деган тахминлар тўғри бўлиб чиқмади. Лекин, вазият кейинги кунларда бироз яхшиланган бўлса ҳам, Олий Давлат Кенгаши билан оппозициячилар, шу жумладан, Ислом қутқариш фронти ўртасидаги муҳолифлик пасайганича йўқ. Ислом қутқариш фронти вакиллари, аввало, Олий Давлат Кенгаши ташкил этилганлигини конституцияга хилоф деб эълон қилган бўлсалар, кейинги пайтда улар массжидларда янги маъмуриятга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириб юбордилар. Оқибатда Ислом қутқарзиш фронти раҳбари А. Хашоний ҳамда мазкур фронт сиёсатини тарғиб қилган бир неча журналистлар ҳибсга олиндилар. Барча масжидларда маъруза айтишлар таъқиқлаб қўйилди. Бу билан олов ўчирилди, деган хулосага келиш мумкин эмас. Кул тагида чўғ алангаланмоқда.

Шу орада ўз лавозимида қолган бош вазир С. А. Ғазалий иқтисод соҳасида долзарб чоралар кўришга ҳаракат қила бошлади. Чунки, ҳукумат иқтисодиётни яхши ниятга сослмадан туриб, сиёсатда муваффақиятга эришиб бўлмайди, деб ҳисобламоқда.

АВВАЛГИ СИРЛАР ОШКОР БЎЛМОҚДА

● ЎТГАН якшанба куни «Нью-Йорк таймс» рўзномаси шов-шувга сабаб бўлган мақолани босиб чиқарди. Рўзноманинг ёзишича, Эрон-Ироқ уруши пайтида Америка Қўшма Штатлари маъмурияти Ироқ томонига зимдан ёрдам бериб турган. Рўзноманинг таъкидлашича, 1982 йилда АҚШ Эрон ҳақидаги ўта маҳфий ахборотларни Ироқ томонига хабар қилган. Шунингдек, Ироққа Американинг ўта такомиллашган ҳарбий техникалари ҳам етказиб турилган. Махсус хизмат фаолияти устидан қонуний равишда назоратни амалга ошириши лозим бўлган сенат ҳамда конгресс бундан мутлақо бехабар бўлган.

Ироққа ёрдам бериш ишларига ҳозир МРБ директори вазифасини эгаллаб турган Роберт Гейтс бевосита раҳбарлик қилган. Ўша маҳалда МРБ директори бўлган Уильям Кейси 80-йилларнинг бошларида маҳфий равишда Бағдодга сафар қилиб, уерда Ироқ разведкаси раҳбари, Саддам Хусайннинг амакиваччаси Барзан билан бекитиқча мулоқотда бўлган.

ЛИ ПЭННИНГ КАТТА САФАРИ

ХХЖ бош вазири Ли Пэн ўтган якшанба куни катта сафарга чиқди. У Италия, Швейцария, Португалия ҳамда Испанияда бўлади. 31 январь куни эса у Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари бўлган 15 давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувида қатнашади. Ли Пэн сафарига Пекинда жуда катта эътибор бермоқдалар. Чунки, 1989 йилда Пекиннинг Тяньаньмэнь майдонида бўлиб ўтган ғалаёнлардан сўнг Хитой бош вазири биринчи марта мана шундай сафарга чиқди. Шарҳчилар Ли Пэн сафари Хитой билан Ғарбий Оврўпо мамлакатлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришда катта омил бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

ҲУКУМАТГА ҚАРШИ ЧИҚИШЛАР

● ИРОҚНИНГ шимолидаги Мосул шаҳрида ҳукуматга қарши чиқишлар уч ҳафтадан буён давом этмоқда. Ироқ Ислом инқилоби олий ассамблеясининг Теҳронда тарқатилган баёнотида айтилишича, ҳар куни мазкур шаҳарда Саддам Хусайн тузумига қарши намойишлар бўлиб турипти. Намойиш иштирокчиларни мавжуд тузумнинг йўқ қилинишини, Ироқда эркинлик ва адолат тикланишини талаб қилмоқдалар.

Теҳрондан келаётган бошқа хабарларда айтилишича, Саддам Хусайн ҳарбийларни бир неча кун муқаддам халқ томонига ўтган бир неча ҳарбийлар ҳамда дин арбобларини ўлдирганлар. Жумладан, Ироқнинг Шимоли, Маркази ҳамда Жанубидаги аҳоли ҳсёнларини марказлаштиришга бошчилик қилган тўрт киши очиқ қатл этилдилар.

АЛОҚАЛАР ТИКЛАНМОҚДА

● ЖАНУБИЙ Африка Жумҳурияти ҳамда Ангола ўн етти йиллик узилишдан сўнг икки ўртада дипломатик ваколатхоналарни тиклаш тўғрисида бир битимга эришдилар. Жанубий Африка Жумҳурияти ташқи ишлар вазири Р. Ботанинг Луандага сафари пайтида ана шундай аҳдномага имзо чекилди. Унинг анголалик ҳамкасабаси ҳужжатга имзо чекиш маросимида сўзга чиқиб, муҳолифликлар мозийга чекинмоқда, нималар томон тинғиз иқтисодий алоқаларга муҳтожирлар, деб айтди.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ҲИНДИСТОНДА БЎЛДИЛАР

Тошкентдаги 92-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчи ва ўқувчилари Ҳиндистондан қайтиб келишди. Улар Деҳлидаги хусусий мактаблардан бирининг таклифи билан у ерда бўлган эдилар. Бу уларнинг жавоб ташрифи бўлиб, ёзда Деҳлилик мактаб ўқувчилари тошкентликлар ҳузурида меҳмон бўлгандилар. Шунингдек, улар Самарқандда ҳам тўхташганди. Ўзбекистонлик болалар Деҳлида ҳинд оилаларида яшашди. Улар ҳинд тили, меҳнат, расм, ашула дарсларида иштирок этдилар.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Ўқитувчи М. Бобохўжаева 5-синфда ҳинд тили дарсини ўтмоқда; (паетда) ўқитувчи Дилором Юсупова 9-синфда ҳинд тилини ўргатмоқда.

Р. ШАМСУТДИНОВ суратлари.

(ЎзТАГ).

● *Халқ ижоди—қайнар булоқ*

Меҳр байтлари

Менинг болам ёшгинам-ей, алла,
Ёнимда йўлдошгинам-ей, алла.
Алла жонимнинг учи, алла,
Сенинг тилларинг чучи (чучук), алла.

Алла сени алқасин-ей, алла,
Паноҳида сақласин-ей, алла,
Алла айтсам ярашар-ей, алла,
Бўйингга гуллар таллашар-ей, алла.

Ҳуйди-ҳуйди, ҳуйланди, алла,
Ариқ суви лойланди, алла.
Балиқми деб қарасам, алла,
Илон бўлиб товланди, алла.

Алла, алла, от яхши-ей, алла,
Ғамгинликдан шод яхши-ей, алла.
Болагинам ёшинда-ей, алла,
Яшил қалпоқ бошинда-ей, алла.

Болагинам бор бўлсин-ей, алла,
Қўйни тўла нор бўлсин-ей, алла,
Нори тушиб лой бўлса, алла,
Ўртоқлари ёр бўлсин-ей, алла.

Булбул деганам бир қушдир, алла,
Қандаям овози хушдир, алла,
Булбул деган гулдадир-ей, алла,
Икки кўзи йўлдадир-ей, алла.

Гуллар экиб боғ этсам-ей, алла,
Булбулларга жой этсам-ей, алла.
Қовун пишиқ палласи-ё, алла,
Шугинамга тўй этсам-ей, алла.

Алла, алла, алласи, алла,
Қамишдайдир қалъаси, алла,
Қамиш боши қайрилса, алла,
Жавлон урар онаси, алла.

Алла, алла, оппоқинам-ей, алла,
Гул ичида япроққинам-ей, алла.
Япроққинам сўлмасин-ей, алла,
Душманларим кулмасин-ей, алла.

Болагинам ётгандир-ей, алла,
Гул ёстиққа ботгандир-ей, алла.
Гул ёстиқни кўтарсам-ей, алла,
Гулдай бўлиб ётгандир-ей, алла.

Шугинам ўзи оппоғ-ей, алла,
Бошида оппоқ қалпоғ-ей, алла.
Оппоқ қалпоқ ярашган-ей, алла,
Ўртоқлари қарашган-ей, алла.

Кийик келар чўллар билан, алла,
Сочин тарар гуллар билан, алла,
Шу оппоғим ётгандир-ей, алла,
Ёнбошида гуллар билан, алла.

Алла айтган ҳорармн, алла,
Шарбат анга қонармн, алла,
Икки дардли дардлашса, алла,
Тонглар отса биларми, алла.

Алла, алла, омон-ей, алла,
Аллалар сандан ёмон-ей, алла,
Қизил гулнинг хирмони, алла,
Сен жонимнинг дармони, алла.

Алла, қўзим, тўй бўлсин, алла,
Қўзилари қўй бўлсин, алла,
Шу жонимга тўй бўлсин, алла,
Тўйида қўйлар сўйилсин, алла.

Боғда булбул сайрайди, алла,
Гул баргини чайнайди, алла.
Сенга аллалар айтсам, алла,
Кўнглим гулдай яйрайди, алла.

Мен кетарман элимга, алла,
Пўта беринг белимга, алла,
Гар келмасам бир ойда, алла,
Қуринг тузоқ йўлимга, алла.

Алла, алла, хуш бўлдим, алла,
Кўзи боғлиқ қуш бўлдим, алла.
Яхшилардан айрилиб, алла,
Ёмонларга дуч бўлдим, алла.

Кичкина қафас ичида, алла,
Сайрадим булбул бўлиб-ей, алла,
Бешигингга санчилайин, алла,
Боғда очилган гул бўлиб-ей, алла.

1983 йилнинг жавзосида оҳангаронлик 66 ёшли Майрам момо Тўйчибой қизидан ёзиб олинган.

Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи Маматқул ЖЎРАЕВ.



ҚИШ МАНЗАРАСИ.

Суратқаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМАСИ
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
9, 10, 11, 12, 13, 14 мартда соат 19.00 да
8 ва 15 мартда соат 15.00 ва 19.00 да
Чимкентлик хушовоз хонанда
Рустам ҒОЙИПОВ
бошчилигидаги
«НУР» гуруҳининг
ЯНГИ «БАЙРАМ» КОНЦЕРТИ
Концертда сўз устаси ва киноактёр
МИРЗАБЕК ҲОЛМЕДОВ
Чимкентлик истеъдодли ёш раққоса
ТАХМИНА БОЛТАБОЕВА
ва бошқалар қатнашадилар.
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассасида соат 11.00 дан бошлаб сотилади.
Кўпчилик бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАР: 39-46-09, 45-92-13, 39-46-08.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ФИРМАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ФИРМА
ХИЗМАТ ХОНАЛАРИ УЧУН
ГОНКОНГДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
ЭЛЕКТРОН ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИНИ
нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан
СОТАДИ
Маълумотлар олиш учун телефон: 77-56-17.

ФАЙЗ Лтд.
ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ҚОНУНИЙ
Эртаклардаги сингари тез, қулай ва сифатли кафолати билан.
Технологияси ва фойдаланиладиган материаллари «ТРОДАТ» Австрия фирмасиники.
ФАЙЗ ЛТД ФИРМАСИ — бу:
ҳар қандай график тасвирли, обрўли кўринишли муҳрлар, штамплар, оттисклар, факсимиле, серҳашам, зарҳалланган ташрифномалар ва ҳоказолар демакдир.
Мулоқот телефони: соат 9 дан 17 гача: 77-56-17.

«ТОШКЕНТ-ПАССАЖИР» СТАНЦИЯСИНИНГ
2-ВАГОН ДЕПОСИ
йўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали чилангар, йўловчи вагонларнинг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали дурадгор, 3—4—5 даражали чилангар-сантехник, 4—5 даражали ойнасозларни
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
Ўртача иш ҳақи — 500—700 сўм.
Мутахассисликка эга бўлмаганлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 ой давомида ўқитиладилар.
Шахсий ҳужжатлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайд қилинган шахслар ишга қабул қилинадилар.
Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ҳ. Умаров кўчаси, 8-уй, 2-ВЧДнинг расмийлаштириш бўлими (11, 40, 45, 50, 67-автобуслар; 14-троллейбус; 25-маршрут таксисининг «Салор ариғи» бекати).

ЎҒИРЛАНГАН ҚИЗ

(ЁҲУД БИР ЖИНОЯТНИ БЕРКИТИШ УЧУН ҚИЛИНГАН ЖИНОЯТ)

ГАПНИНГ ОЧИҒИ, «теша тегмаган» мавзуда ёзишни истамайдиган журналист бўлмаса керак. Лекин ҳозирги кунда одамларни унча-мунча гап билан ҳам ҳайратга сололмайсиз. Негаки, одамлар бефарқ бўлиб кетмаган, аксинча, ҳайратомуз воқеаю ёлғон-яшиқлар кўпайиб кетганидан қай бирига ҳайратланишгада ҳайроннсан киши.

Уч-тўрт ой аввал бир фоҳиша билан суҳбат эълон қилгандим. Бошим ғалвага қолди. На уйда, на кўчакўйда, на яшхонада тинч қўйишмайди...

Яна икки-уч ойча олдин хореография билим юртидан суҳбат уюштирдим. Бу гал, «Сиз ҳам биласиз, қаерга бориб, мақола ёзишни. Ёш-ёш раққосалар дегандек, ҳа?», деб маъноли тиржайганлар кўп бўлди. Хуллас, бирорта «теша тегмаган» мавзуни танлаганимда ўқиганлар ҳайратга тушмайдилар, аксинча, турли тагдор саволу, учирма гапларни эшитиб, ўзим ҳайратга тушаман. Майли, шунисига ҳам шукр. Ҳар ҳолда нима бўлганда ҳам мақоламни ўқишибди-ку, деб қўяман.

Қуйида ҳикоя қилинадиган воқеа айни ҳаётдан олиб ёзилди. Фақат қаҳрамонлар исми ўзгартирилди, холос. Шунингдек манба қаердан олинганлиги ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликка ваъдаю кафолат ҳам берилди.

МАҚСУДАЛИНИНГ ўлими қарийб икки йилдирки, сир бўлиб қолди. Милиция ҳам далил-исботсиз бировни қотилликда айблай олмайди. Бироқ, қотиллик юз бергани аниқ.

Ўлимидан тўрт кун аввал Мақсудали яккаю-ягона туғишган опасини кўргани келган. Гап орасида бир одамга катта миқдорда пул бериши кераклигини, акс ҳолда «гум» қилиб кетишлари аниқ эканини гапирган. Опаси:

— Вой шўрим, шунча пулни қаёқдан топасан? Милицияга бор, ёрдам беришади. Ахир, ёмон билан ўчакишиб бўларми-ди, — дейди.

Мақсудали шундоқ ҳам руҳан эзилиб қолган жуссасини янада эгиб:

— Милицияга бора олмайман, акс ҳолда онламга жабр қилишади, — деб титроқ овозда жавоб қайтаради.

Хайрлашар олдидан пул талаб қилаётган одамнинг исмини айтганда опаси ҳам ҳайратдан, ҳам даҳшатдан довдираб қолади. Чунки у зўравон ўзларининг узоқ қариндошларидан бири эди...

Орадан тўрт кун ўтиб, Мақсудалини ўз қўйхонасида осилган ҳолда топадилар. Укасининг маъракасида бу оғир жудоликка чидай олмаган опа шўрлик қотилнинг номини айтиб қаргайди ва:

— Милицияга ёзиб бераман, — деб йиғлаб туриб қайта-қайта бақиради.

Ўша куннёқ соат тунги 11 ларда опанинг уйига нотаниш аёл ва эркак келиб, «Милицияга ёзиб бераман» деган гапини эслатиб, агар «ақлини йиғиб олмаса, оқибати хунук бўлишини» ётиғи билан тушунтириб кетишади. Лекин ёлғиз укасидан ажраган опа учун, «икки дунё бир қадам» эди. Ҳасрат тўла аризани ёзади, аммо қотил ҳам анойи эмас. Шундоққина милиция бўлимининг эшиги олдида унн бир аёл тўхтатади ва:

«Қавжиқ, сени огоҳлантирган эдик. Сен эса яхши одамларнинг гапига кирмай, мелисахонага чопаяпсан. Ундан кўра уйинга бор-да, ўртанча қизингни қидир!» — дейди.

Опа то ўзини ўнглаб олгунча аёл кўчанинг у тарафида турган машинага чиқиб олганди...

ОПА ҳаллослаганича уйига келди. «Тиқ» этса, эшикка югуради. Олти нафар қизининг бешташи уйда. Учинчи қизи — Мастурадан дарак йўқ. Қидириш эса бефойда. Тунги соат иккиларда эшиги тақиллайди. Ўгнада ўтиргандек онаизор юраги «гуп-гуп» урганча эшикни очди. Очдию, оёқ-қўли музлаб кетгандек бўлди. Эшик олдида ҚОТИЛ турарди.

— Опажон, — дейди бетакаллуф «меҳмон», — Мақсудали ўзини-ўзи осган, мендан гумон қилсангиз, ўзингизга жабр бўлади. Участковойга бошқаларга ўхшаб: «Кейинги пайтда сал анақароқ бўлиб қолганди» деб ёзиб беринг. Акс ҳолда Мастурани...

Опа шўрлик ҳар нарсага кўнадиган бўлиб, ювош тортиб қолди. Фақат қизини қайтариб беришса бас.

Роса 11 кун деганда қизи қайтиб келди.

МЕН МАСТУРА БИЛАН УЧРАШДИМ.

Аввалига гапимиз қовушмади. Айниқса унинг ўғирланиш тарихи, бандиликда кечирган 11 куни ҳақида сўраган саволларимга жавоб беришдан бош тортиб, қайсарлик қиларди.

МАСТУРА. Эндигина 18 га кирган хушсурат, хушқомат қиз. Қош, кўз, соч қоп-қора. Киприклари қуюқ, узун-узун. Биргина ибора билан айтганда, турк қизларидек мафтункор, жозибадор, ёқимтой.

Мен уни гапиртириш учун ўзимдаги бор сўз бойлигимни ишга солишга мажбур бўлдим. Гўзал қизлар кечирсинлару, аммо шу вақтгача гапга эримайдиган қизни учратганимча йўқ. Қизу жувон борки, ҳаммасининг юрак қулфи сўз калити билан очилади.

Мастура ҳам аста-секин гап деган шаробдан маст бўла бошлади. Юрагида азоб бўлиб ётган дардини, ҳатто онасига ҳам ечилмай сир тутган тугунини гоҳ вазмин, гоҳ кўзда ёш билан сўзлади...

«Куппа-кундуз куни ўғирлаб кетишди. Дўкондан нон олиб қайтаётгандим. Уйимизга 200 метрча қолганди. Битта «РАФ» шундоққина ёнимда тўхтади. Ён эшиги очилиб, ичкарида ўтирган аёл бир парча қоғозни узатди: «Қизим, мана бу адресдаги уйга қандай борса бўлади?» деб сўради. Мен қоғозни қўлимга олиш учун машина ичига чўзилдим, иккита бақувват қўл мени машинага тортиб чиқарди. Ҳатто «дод» дейишга улгурмадим. Кўз олдимда пичоқ яралади. Кейин қўрқанимдан уму-ман жимиб қолдим. Бир соатча (балки кўпроқ) юрдик. Битта уйга олиб бориб қўйишди. 10 кун сақлашди. Ўн биринчи куни яна ўша «РАФ»да уйимизга яқин жойга ташлаб кетишди».

Мастуранинг бу қисқа ҳикоясидан қониқмадим. Ва буни ўзига ҳам айтдим.

— Бўлмаса, — деди у, — сиз сўранг, мен жавоб берай.

— Машинада бирор нима дейишдими?

— Айтишдики, онам қандайдир яхши, текин маслаҳатни қабул қилмабдилар. Ўшанга мени олиб кетиб, онамнинг ақлини киритишмоқчи экан. Агар ақли кирмаса, мен ҳеч қачон уйга қайтиб бора олмас эканман.

— Ўн бир кун қандай муомала қилишди?

— Кунда бир маҳал овқат беришди. Бир графин сув ҳам. Ҳар эҳтимолга қарши деб, кийимларимни ечиб олишди. Битта хотин овқат ёки сув олиб кирарди. Эшик доимо қулф эди. Ҳожатхонага фақат кечаси чиқаришарди.

Мастура бирдан жимиб қолди. Кўзида ёш айланиб, тез-тез ютинди. Сездимки, яна нимадир демоқчию, гапиришга истиҳола қиляпти. Ўз таҳминимни яшириб ўтирмай, савол сўрайвердим:

— Кечирасиз, аммо сезиб турибман, юрагингизда қандайдир дардни яшириб қоляпсиз. Бу менимча, ор-номус, иффат билан боғлиқ дардга ўхшайди.

Мастура йиғлаб юборди. Узоқ йиғлади. Мен ҳам сабр қилиб тураверадим. У йиғлаб-йиғлаб, «йўқ-йўқ, айтолмайман, пешонам қурсин» дерди такрор-такрор. Жабр-дийда суҳбатдошим йиғлаб, ўзини анча енгиллатиб олди. Майин овози бўғилган ҳолда, бироз ҳирқираб гапида давом этди:

— Мен сизни ҳар ҳолда биламан. Сизда ўқиганман. Ҳатто ўша вақтда синфимиздаги кўпчилик қизлар дарсингизга ўқиш учун эмас, гапларингизни эшитиш учун кирардик.

У яна бироз жимиб қолди.

— Вой, ўлмасам, мен нималар деяпман. Сиз нимани сўраяпсизу мен нимани гапираяпман. Тўғриси, онамга ҳам айтганим йўқ. Мени қўрқитиб қўйишган. Агар айтсам, опаларим, сингилларимни ҳам тинч қўймасди у аблаҳлар. Ўғирлаб кетишган куннинг эртасига икки киши киришди. Олдин қўрқитиб, ўзлари билан ароқ ичиришди. Кейин... Бу ҳол бир ҳафта давом этди... Ҳанузгача у ваҳшийлар тушимга киради. Кечалари додлаб, уйғониб кетаман... Яхшиямки,... ҳомиладор бўлиб қолмадим. Акс ҳолда онам адои-тамом бўлардилар...

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА

Мени ШОИР дейишади. Йўқ, менинг шоирлигим ЁЛҒОН! Чунки лоақал бир ожизанинг дардига малҳам топа олмадим. Мени ЖУРНАЛИСТ дейишади. Журналистлигим ЁЛҒОН! Чунки лоақал бир инсоннинг тақдирини рўйи рост, ошкора баён қила олмадим. Мени МУАЛЛИМ дейишади. Муаллимлигим ЁЛҒОН! Чунки кўксимга бош уриб йиғлаётган мана бу мазлума шогирдимнинг ақлини ундиришга, лоақал икки нафар жиноятчининг ёқасидан бўғиб, тепкилаб ташлашга қурбим етмаяпти.

Ўтган сал кам ўттиз йиллик умримда турфа одамлар билан учрашдим. Уларнинг орасида ҚОТИЛЛАР, БОСҚИНЧИЛАР БЕЗОРИЛАР, МУТТАҲАМЛАР ҳам бор эди. Лекин Мастурага ўхшаган тақдир зарбасига ноҳақ дуч келган, 16 ёшида номуси топталиб, 18 ёшида юраги дард исканжасида қолган мазлумани илк бор учратишим.

Уйига совчи келган қиз борки, истаса-истамаса бир ширин энтикади. Мастура эса совчини кўрса, бир дардига ўн дард қўшилади. Гарчи юрагида мойиллик бўлсада, аммо йигитларнинг дилрозини рад этишга мажбур. «ҚАЧОНГАЧА ШУНДАЙ ЯШАМОҚЧИСАН, МАСТУРА?» Бу савол қалбимнинг энг тубидан вулқондек отилиб чиқдию, бўғзимда тутилиб қолди...

Мастурани уйигача кузатиб, хайрлашиш учун қўл чўздим. У қўлимни кафтлари орасига олиб, йиғидан бироз қизарган кўзларида илтижоли нигоҳ билан деди:

«Анча енгил тортдим. Кимгадир гапирса, дард камаяди деганлари рост экан. Йўқ демасангиз, сизга телефон қилиб турардим. Сиз ўқитувчим эдингиз, ҳозир эса дардкашим, сирдошим бўлиб қолдингиз. Биласиз, менинг акам ҳам, отам ҳам йўқ. Кексароқ бўлганингизда қизингиз бўлардим. Келинг, ака-сингил тутинайлик!»

Мен маъқул ишорасини билдирдим. Аллоҳ менга икки нафар ука бергану, лекин сингилим йўқ эди. Яратганга минг шукрки, бу армоним ушалди...

Дилмурод САИДОВ.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Яқинда вилоят прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратура органларининг 1991 йилдаги иш якунлари ва республика мустақиллиги шароитида уларнинг фаолиятини кучайтириш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Шу масала бўйича вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Н. Файзуллаевнинг маърузаси тингланди.

Мажлисда вилоят прокуратураси органлари ўтган йили жиноятчиликнинг олдини олиш ва тергов қилиш йўналишида прокурор назоратини, унинг иш услубини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширганликлари таъкидлаб ўтилди. Вилоят бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг сони 3,7 фоизга камайган. Шунингдек, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод ва Янгийўл каби йирик шаҳарларда ҳам жиноятчилик кўлами қисқармоқда. Кейинги йилларда қасддан одам ўлдириш, қасддан оғир тан жароҳати етказиш ва ўғриликнинг барча турлари камайди. Вояга етмаган шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари 2,7 фоизга қисқарди, жиноятни очиш яхшиланди. Умумий назорат Ўзбекистон Президенти Фармонларининг ижросига мос ҳолда олиб борилди. Умумий назорат ишлари фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга, уларнинг моддий ва маданий ҳаётларини яхшилашга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга йўналтирилди. Моддий зарарларни ундириш бўйича даъво аризалар киритилди. Жиноят ва фуқаролар ишлари бўйича суд қарорларининг сифатли чиқишида прокурорларнинг таъсири кучайди.

Мажлисда прокуратура органлари ўз имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланмаётганликлари айтилди. Вилоятимизда жиноят содир бўлиш ҳолатлари ҳали юқори даражада сақланмоқда. Ўтган йил давомида 10,5 минг жиноят рўйхатга олинганлиги бундан далолат бериб турибди. Оққўрғон, Бўка, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Калинин, Қибрай районларида, Янгиобод ва Чирчиқ шаҳарларида жиноятчиликнинг камаймаётганлиги ташвишлидир. Айниқса, маст ҳолда жиноятга қўл уриш ҳоллари кўпайди.

Назорат қилувчи органлар томонидан камомадлар бўйича келиб тушган ҳужжатларни кўриб чиқишда ҳамон сан-салорликка йўл қўйилмоқда.

Муҳаррир ўринбосари С. Ғ. МУСАЕВ.

Тошкент ҳақиқати
МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325787; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар — 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар — 325666.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14 Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 30579 нусха босилди.